СССР Давлат китоб палатаси
10 ОКТ 1982
Гос. книжная палата УзССР
ОБМЕНО

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

9 ОКТЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, ШАНБА
№ 230 (2.636).
Баҳоси 3 тийин.

НАВОИЙЛИКЛАР ЯНГИ МАРРАЛАРНИ БЕЛГИЛАМОҚ ДАЛАР

НАВОИЙ, 8 октябрь. (ЎзТАГ). Республиканинг энг янги Навоий областида СССР нинг Озиқ-овқат программасини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун зарур имкониятларнинг ҳаммаси бор. Область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари шу фикрни айтдилар. КПСС Марказий Комитетининг талаблари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари асосида деҳқончилик ва чорвачилик самарадорлигини ошириш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Есин доклад қилди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан нотиқлар — Навоий шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Н. В. Духанов, Хатирчи район партия комитетининг биринчи секретари Р. Махманов, Қизилтепа район партия комитетининг биринчи секретари Н. Хикматов, Конимех район партия комитетининг биринчи секретари А. С. Петросян, Нурота район партия комитетининг биринчи секретари М. Н. Қурбонова, Навбаҳор район партия комитетининг биринчи секретари Г. Я. Ўринов, Навоий район партия комитетининг биринчи секретари Х. З. Зайнаев, Учқудуқ район партия комитетининг биринчи секретари В. М. Гончаров, Қизилтепа районидаги «Ёш ленинчи» колхозининг бригадири С. Х. Бухорова, «Навоий азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори А. И. Нестеренко, Томди районидаги «Томди» давлат наслчилик заводининг бош чўпони А. Тулегенов КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорлари область меҳнатчиларининг сиёсий активлигини ва меҳнат ғайратини ғоят жўш урдириб юборганлиги тўғрисида гапирдилар. Қишлоқ меҳнаткашлари пленум қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, дон, пилла, мева ва сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, қорақўл тери тайёрлаш юбилей йили топшириқларини муддатидан илгари бажардилар. Давлатга гўшт ва сут сотиш тўққиз ойлик плани ошириб бажарилди. Пахтакорлар 240 минг тонна «оқ олтин» топшириш учун зўр ғайрат билан курашмоқдалар. Тошкент технологиясини ўзлаштириб олган хўжаликлар муваффақиятга эришмоқдалар. Пахта ҳосилининг 80 процентини машинада теришга қатъий аҳд қилинди.

Қишлоқ меҳнатчиларининг социалистик мусобақасига бошчилик қилаётган коммунистларнинг бу ютуқларда алоҳида хизмати борлиги пленумда уқтириб ўтилди. Область партия комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқида шу ҳақда сўзлади.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Пленум қатнашчилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўраётган Навоий областининг коммунистлари, барча меҳнатчилари партия XXVI съездида ўртага қўйилган, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида баён этиб берилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бутун куч ва ғайратни ишга соладилар, деб ваъда бердилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси Ю. П. Максимов иштирок этди.

Улкан хирмон учун

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 8 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буёғи; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буёғи.

Тошкент	0,82	89,63	0,86	85,62
Хоразм	1,64	75,48	2,29	55,74
Бухоро	1,03	72,99	0,63	22,13
ҚҚАССР	1,83	69,20	2,17	50,97
Сурхондарё	1,26	64,26	1,58	41,34
Навоий	1,89	64,01	1,46	35,29
Сирдарё	0,62	61,78	0,53	67,28
Наманган	1,35	56,98	1,18	33,06
Андижон	0,57	54,54	0,78	26,15
Жиззах	0,61	53,87	0,26	57,20
Қашқадарё	0,85	51,13	0,77	30,23
Фарғона	0,54	50,49	0,71	24,50
Самарқанд	0,97	49,71	0,89	29,64
Республика бўйича	1,01	61,62	1,04	43,04
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Навоий	4,09	79,66	2,73	32,84
Сурхондарё	1,97	72,54	1,56	55,56
Наманган	—	65,58	—	4,53
Бухоро	2,11	51,00	—	—
Қашқадарё	1,14	46,98	0,99	19,05
Республика бўйича	1,78	63,73	1,32	39,71

ҒАЛЛАКОРЛАР ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРДИЛАР

НАВОИЙ областининг меҳнаткашлари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг май 1982 йил Пленуми қарорларини ҳаётга жорий эта бориб, маккажўхори ўримини тугалладилар ва давлатга дон сотиш бўйича ошириллган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Ғалла қабул қилиш корхоналарига пландагидан 3 минг тонна кўп, яъни 15 минг тонна дон етказиб берилди. Қизилтепа, Навоий, Хатирчи ва Навбаҳор районларининг дала меҳнаткашлари эришилган меҳнат ғалабасига муносиб ҳисса қўшдилар.

Навбаҳор районидаги Навоий номли, Навоий районидаги «Ленин йўли», Хатирчи районидаги Калинин номли, Қизилтепа районидаги «Ёш ленинчи» колхозларининг коллективлари яхши кўрсаткичларга эришдилар. Бу хўжаликлар маккажўхори донини тайёрлаш бўйича мажбуриятни анча ошириб бажардилар ва ҳар гектар ердан 85—120 центнердан ҳосил олдилар.

Навоий районидаги Ф. Эсонов, Хатирчи районидаги М. Санақулов, Қизилтепа районидаги С. Бухорова бошлиқ илғор бригадалар ҳамда қатор коллективлар гектаридан 97—125 центнердан «қаҳрабо дон» олдилар.

Эришилган муваффақиятлар колхозчилар, совхоз ишчилари, партия, совет, қишлоқ хўжалик, тайёрлов органлари, касаба союз ҳамда ком сомол ташкилотларининг аниқ мақсадни кўзлаб, иш олиб борганлигининг натижасидир.

Айни вақтда область пахтакорлари ҳам ҳосилни қисқа фурсат ичида йиғиб-териб олиш учун ва давлатга камида 240 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар.

* * *

АНДИЖОН областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг май 1982 йил Пленуми қарорларини ҳаётга жорий эта бориб, СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маккажўхори ўримини муваффақиятли якунладилар, давлатга дон сотиш бўйича ошириллган социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажардилар. Она-Ватан омборларига 47 минг тонна дон тўкилди. Бу давлат планидан 18 минг тонна кўпдир.

Москва, Қўрғонтепа, Ленин ва бошқа районларнинг дала меҳнаткашлари айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар. Ўрим-йиғимни ташкилий ва технологик методи асосида ташкил этилиши маккажўхори донидан юксак ҳосил олишга ҳамда социалистик мажбуриятни бажарилишининг гарови бўлди. Умуман область бўйича 15 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 70,4 центнердан маккажўхори дони олинди, ялпи ҳосил 106 минг тоннани ташкил этди.

Москва, Хўжаобод, Қўрғонтепа ва Андижон районларининг маккажўхорикорлари гектаридан 71—81 центнердан дон олдилар.

Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Маматқодиров, Бўз районидаги «Ленинчи» совхозининг А. Маматнсаев, Москва районидаги «Москва» колхозининг К. Ҳамидов, Балиқчи районидаги Киров номли колхозининг Х. Акбаров, Ленин районидаги «Правда Востока» колхозининг К. Исоқов бошчилигидаги илғор бригадалар ва бошқа коллективлар гектаридан 80—85 центнердан ва ундан ошириб «каҳрабо дон» олдилар. Эришилган муваффақиятлар — колхозчилар ва совхоз ишчиларининг, қишлоқ хўжаликларининг мутахассисларининг юксак меҳнат активлиги партия, совет, қишлоқ хўжалик, тайёрлов органлари, касаба союз ҳамда комсомол ташкилотларининг катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларининг натижасидир.

Область меҳнаткашлари бугунги кунда етиштирилган мўл пахта ҳосилини тезроқ териб олиш ва давлатга сотиш, келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни сифатли ўтказиш ҳамда СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш йўлида қизғин кураш олиб бормоқдалар.

Республика матбуот марказининг хабар қилади

БУТУН КУЧ — ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА!

8 октябрь эрталабигача республика бўйича 3.629.471 тонна пахта, шу жумладан 248.533 тонна ингичка толали пахта тайёрланди. Машиналар билан териб олинган ҳосил 1.687.123 тоннага етди. Бир кунда 59.550 тонна пахта етказиб берилди.

БАРВАҚТ БОШЛАНГАН ЕҒИНГАРЧИЛИК ҲОСИЛ ЙИҒИМ-ТЕРИМИДА КАТТА ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ТУҒДИРЯПТИ. ОБ-ҲАВО ИНЖИҚЛИКЛАРИГА ЮКСАК УЮШҚОҚЛИК, БОЙ ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ, ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗНИ ҚАРШИ ҚУЯЙЛИК! БУТУН КУЧ — ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА!

Тошкент

Оққўрғон районидаги **Ботинцев номли колхоз пахтакорлари СССР Конституцияси кунини катта меҳнат ғалабаси билан нишонладилар. Хўжаликда 1375 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил олиниб, давлатга топширилган пахта 4500 тоннага етди, бу билан колхоз пахта тайёрлаш планини бажарди.** Абдували Расулматов, Турди Шоназаров, Хайрулла Мадиев, Йўлчи Кенжаев бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 36—40 центнерни ташкил этди. Топширилган пахтанинг 90 процента машиналарда териб олинди. Қўчқор Қодиров, Очил Орзиқулов, Саттор Расулматов, Хабибулла Мусабоев, Назир Норжигитов каби механик-ҳайдовчилар ўз агрегатлари бункеридан 150—180 тоннадан пахта бўшатдилар. **Колхоз пахтакорлари ҳосилдорликни 42 центнерга етказиб, давлатга қўшимча 1.500 тонна хом ашё топширишга аҳд қилишди.**

Шу райондаги **«Коммунизм» колхозида ҳам дастлабки довон эгалланди. Қабул пунктларига топширилган 3.200 тонна пахтанинг 1.200 тоннасини уруғлик ҳосил ташкил этади.**

Сурхондарё

Ленин йўли районидаги **меҳнаткашлари ингичка толали пахта тайёрлаш планини бажардилар. Тайёрлов пунктларига 34.160 тонна қимматбаҳо ипак пахта жўнатилди. Бу ҳосилни йиғиштириб олишда 376 та пахта терими машинаси ишлатилди. Ҳар бир агрегат билан ўртача 110 тоннадан пахта терилди.**

Гагарин районидаги **«Навбаҳор» совхози деҳқонлари ҳам 3.026 тонна ингичка толали пахта топшириб, бу борадаги планни адо этдилар.** 981 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ипак пахта олинди. Хўжалик меҳнатчилари ҳосилдорликни 45 центнерга етказиб, ялпи ингичка толали пахта хирмонини 4.500 тоннага етказишга аҳд қилишди.

Хоразм

Гурлан районидаги **«Правда» колхози деҳқонлари 4.540 тонна пахта топшириб йиллик планни уддалашди. Ҳосилнинг ярмидан кўпи машиналарда териб олинди. 1.535 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олинди.** Ражаб Эшназаров, Отабой Сафаров ва Толубой Гулмонов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 42—50 центнерга етказилди.

Хўжалик деҳқонлари ҳар гектар майдон самарадорлигини 48 центнерга етказишга ва хирмонга яна 1.000 тонна пахта топширишга сўз беришди.

Қашқадарё

Ғузор районидаги меҳнаткашлари ингичка толали пахта топшириш планини бажардилар. Тайёрлов пунктларига 1.000 тонна ипак пахта етказиб берилди. Эришилган бу ғалабага Киров номли, Куйбишев номли совхозлар, Карл Маркс номли колхоз деҳқонлари муносиб улуш қўшдилар. Ғузорликлар давлатга яна 200 тонна ингичка толали пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Косон районидаги қўриқ «Гулбоғ» совхозидан **Шовқул Шаҳриев бригадаси социалистик мажбуриятини адо этдилар.**

ҚҚАССР

Элликқалъа районидаги қўриқ «Москва» совхозининг **2-бўлими аъзолари СССР Конституцияси куни пахта тайёрлаш бўйича социалистик мажбуриятини бажарди. 300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан хом ашё олинди.** Бўлим комсомол ташкилотининг секретари **Зуҳра Маткаримова иштирок этаётган онлавий экипаж 500 тонна пахта териб, зарбдорчасига ишлаяпти. Совхоз механизаторлари машина терими планини бажариб қўйдилар.**

Элликқалъа районида зарбдор комсомол отряди тузилди. 110 нафар комсомолдан иборат бу отряд «Қирққизобод» колхозида аъло меҳнат қилмоқда. Уларнинг ҳар бири кунига 130—140 килограммдан пахта теряпти. Бугунгача оловқалб ёшлар тўплаган хирмон 100 тонна бўлди.

Андижон

Ленин районидаги «Правда Востока» колхозидан **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар Еқубов бригадаси ҳар гектар майдондан 40 центнердан уруғлик пахта йиғиштириб олиб, йиллик топшириқни шараф билан бажарди.** Пешқадам коллектив ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга аҳд қилди.

Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхозидан **Абдуллаев бошлиқ бригада 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан хом ашё олиб, планни уддалади.**

Москва районидаги Ленин номли колхозидан **Ҳакиммат Турсунов бошлиқ бригада 33,5 центнердан ҳосил олиб, йиллик топшириқни адо этди.** Коллективнинг янги марраси — бу кўрсаткични 45 центнерга етказишдан иборат.

Жиззах

Тошкент шаҳридан борган студентлар жиззахлик чўлқуварларга пахта йиғим-теримида яқиндан ёрдам беришяпти. Мирзачўл районидаги «Тошкент», «Совет Россияси» ва «Ўзбекистон» совхозларида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти талабалари меҳнат қилишяпти. 7 октябрь куни далаларда 3.569 нафар киши ишлаб, улар хирмонга 166 тонна пахта тўқдилар. Ҳар бир студент ўртача 46 килограммдан пахта терди.

Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхозда ишлаётган **Тошкент фармацевтика институтининг 1.400 нафар студенти чўлқуварларга мададкор бўляпти. Ўтган куни ҳар бир талабанинг иш унуми 57 килограммга тенг бўлди.**

Наманган

Косонсой районидаги «Қўқумбой» совхозидан **Хабибулло Обидов бошлиқ бригадаси аъзолари учун 7 октябрь куни қўшалоқ байрам бўлди — улар СССР Конституцияси куни пахта тайёрлаш планини шараф билан адо этишди.** 95 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан хом ашё олинди. Пешқадам коллективнинг янги марраси ҳосилдорликни 45 центнерга етказишдан иборат.

Норин районидаги Калинин номли колхозидан **Жалиловларнинг онла аъзолари мавсум бошидан буёғи ҳирмонга 10 тоннадан кўп пахта топширдилар. Қаҳрамон она Донохон, унинг турмуш ўртоғи Мирзажон, 12 нафар ўғил-қизлари кунига 700—800 килограммдан пахта теришяпти.**

Янгиқўрғон районидаги Киров номли совхоз далаларида **район марказий шифохонаси ходимлари 100 тоннадан зиёд «оқ олтин» териб бердилар. 7 октябрь куни бу ерда 70 нафар ҳашарчи меҳнат қилди. Уларнинг ҳар бири 62 килограммдан пахта териб беришди.** Медицина ҳамшираси Дилором Нишонова эса хирмонга 110 килограмм пахта билан ҳисса қўшди.

Фарғона

Бувайда районидаги «Ленинобод» колхозидан **Замира Усмонова етакчилик қилаётган бригада пахтакорлари гектаридан 30 центнердан ҳосил олиб, пахта тайёрлаш бўйича йиллик планни шараф билан уддалашди. Коллектив азаматлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ҳосилдорликни 60 центнерга етказишга аҳд қилишди.**

Олтариқ районидаги ғаллакорлари ошириллган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этишди. Планга қўшимча 800 тонна дон топширилди, ялпи хирмон 3.500 тоннага етказилди.

Бухоро

Ғиждувон районидаги илғор хўжаликлар ошириллган социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширишяпти. Карл Маркс номли колхозидан Исмат Жўраев, Хошим Саидов, Исмат Обидов ва Тилол Очилов бошлиқ бригадаларнинг коллективлари ҳар гектар майдондан 50—55 центнердан ҳосил олдилар. Калинин номли колхозда пешқадамлар сафида бораётган **Жаббор Облоев раҳбарлик қилаётган бригада эса ҳосилдорликни 66 центнерга етказди.**

Самарқанд

Дастлабки довон эгалланди! Пахтачи районидаги **Калинин номли колхозидан Холиёр Бобоқулов бошлиқ бригадаси аъзолари ана шундай дейишяпти.** Улар ҳар гектар майдондан 38,3 центнердан хом ашё олишди. Аммо бу пешқадам коллектив деҳқонлари учун чегара эмас. Сўзи билан иши бир азамат пахтакорлар янги мажбурият қабул қилишди — ҳар гектар майдондан яна 22 центнердан ҳосил олинадиган бўлди.

Иштихон районидаги «8 Март» колхозида теримчилар мусобақаси кундан-кунга авж олдирилмоқда. Хўжалик далаларида **опа-сингил София, Норсулув ва Раъно Хайдаровалар алоҳида ғайрат-шижоат намуналарини кўрсатишяпти.** СССР Конституцияси куни опа-сингиллар хирмонга 393 килограмм пахта билан ҳисса қўшдилар.

ВАТАНИГА ҚАЙТА ТУРИБ

Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармал бошчилигидаги Афғонистон Демократик Республикасининг партия-давлат делегацияси Будапештдан Ватанига қайта туриб 8 октябрь куни Тошкентда қисқа муддат тўхтади.

Тошкент аэропортида АДР, СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари кўтарилди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Бабрак Кармални кутиб олдилар ва кузатиб қўйдилар.

Тошкент меҳнаткашларининг вакиллари, шаҳар ўқув юртларида таълим олаётган афғон йигит-қизлари АДР делегациясини табрикладилар.

(ЎзТАГ).

ДАВЛАТ ВАЗИФАСИ, УМУМХАЛҚ ВАЗИФАСИ

НАМАНГАН, 8 октябрь. (ЎзТАГ). Область партия активи йиғилишида партия Марказий Комитети талаблари ва ўртоқ Л. И. Брежнев йўл-йўриқлари асосида деҳқончилик ва чорвачилик самарадорлигини ошириш соҳасида область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари М. Камолов доклади муҳокама қилинди.

Область меҳнаткашлари, дейишди нотиқлар, дон, чорвачилик маҳсулотлари, сабзавот, узум, мева етиштириш ва сотиш топшириқларини муваффақиятли равишда бажармоқдалар. Юбилей йилида давлатга йиллик план дан икки баравар кўп дон сотилди. Пахта терими уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Сўзга чиққан нотиқлар қишлоқ меҳнаткашлари қўлга киритган ютуқларни қайд этиб, асосий эътиборни мавжуд барча ички резервларни сафарбар этиш зарурлигига қаратдилар. Деҳқончилик маданиятини бутун чоралар билан ошириш, алмашлаб экиш ни тўла ўзлаштириш, барча звенолар, бригадалар, хўжаликлар кўрсаткичларини илғорлар даражасига етказиш — ғоят муҳим вазифадир.

Задарё, Косонсой, Поп районларидаги янги ихтисослашган дон-чорвачилик совхозларининг ижобий тажрибаси диққатга ва оммалаштиришга сазовордир. Тўрақўрғон районидаги маккажўхорикорларининг эришган муваффақиятлари ҳам намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Улар муттасил мўл ҳосил — гектар бошига юз центнер ва бундан ҳам кўпроқ дон олмоқдалар.

Такрорий ва оралиқ экинларни, озуқабоп ва донли экинларни аралаштириб экиш ни кенг жорий этиш, илдизмева етиштиришни кўпайтириш чорвачилик учун ем-хашак запасларини ғамлашнинг муҳим резерви эканлиги йиғилишида уқтириб ўтилди.

Область деҳқонлари мева-сабзавот маҳсулоти етиштиришда муваффақиятга эришдилар. Бироқ бу соҳада ҳали фойдаланилмаётган резервлар ҳам кам эмас. Ихтисослаштириш ва концентрациялашни давом эттира бориб, илғор агротехникани ҳамда республикадаги энг яхши сабзавоткорлар ва боғбонларнинг тажрибасини кенг жорий этиш, омборлар қурилишини жадаллаштириш, далалар ва боғлар яқинида маҳсулотни қайта ишлайдиган корхоналарини барпо этиш зарур.

Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида ўрта бўғин кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш тўғрисида, партия ўртага қўйган катта ва масъулиятли вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган ташкилий-партиявий ва мафкуравий ишларни кучайтириш ҳақида амалий равишда конкрет гаплашиб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари Наманган областининг меҳнаткашлари ўз олдига қўйилган вазифаларни шараф билан бажарадилар, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ишига салмоқли ҳисса қўшадилар, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар, деб қатъий ишонч изҳор этдилар.

ШОЛИЗОРДА ЖЎШ УРАР МЕҲНАТ

РЕПОРТАЖ

Амударё соҳилидаги шолизорда қилинаётган фидокорона меҳнат кишини беҳад руҳлантириб юборади. Шоликорлар билан бир сафда туриб, жасорат кўрсатишга чор лайди. Комбайнлар наъра тортиб, жуда секинлик билан олға силжимоқда. Баъзан бир ерда тўхтаб туради. Комбайн орқасидан шоли пояси арғамчидек эшилиб чиқа бош лайди. Бу шоли ҳосилининг чўғи баландлигидан дарак. Комбайнлар чекни бир айланиб келмасидан бункерлари «қирмизи дон»га тўлиб қолянти. Қўша-қўша тележкаларни тақиб олган тракторлар ҳам бункерлардаги шолини хирмонга базўр ташиб улгуришянти. Комбайнчилар шоли ўримига шу қадар берилишганки, бункердаги ҳосилни тележкага ағдаришиб, яна шолизор томон шўнғиб кетишади. Тушлик, кечки овқат ҳам дала бошида, бир лаҳзалик нафасни ростлаб олиш ҳам далада.

Бу йил шоли ҳосили ўтган йилдагига қараганда бир ҳафта барвақт пишди. Комбайнчилар ҳосилни йиғиштириб олишни беш кун олдин бошлаб юбордилар. «Правда» совхози шоликорлари 2100 гектар майдондаги ҳосилни жуда қисқа муддатда, йиғирма иш кунида йиғиштириб олиш тадбирларини белгиладилар. Ана шунча майдондан пландаги 8820 тонна ўрнига 15 минг тонна «қирмизи дон» етиштиришга аҳд қилинган. Бунинг учун ҳар гектар майдондан пландаги 42,8 центнер ўрнига 71,5 центнердан «қирмизи дон» йиғиштириб олиниши лозим. Бунинг учун эса сўзсиз, етиштирилган ҳосил тез, бир грамми ҳам нобуд қилинмасдан йиғиштириб олинниши керак бўлади. Совхоз меҳнаткашлари ана шу аҳдига яраша меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир шолипояларда 42 та комбайн юқори унум билан ишлатилмоқда. Бутунлай яроқсиз аҳволдаги бешта комбайн ҳам ремонт қилиниб, ишга туширилганлиги диққатга сазовордир. Уларнинг ҳар бири билан кунига қарийб ўн гектар майдондаги ҳосил йиғиштириб олиняпти.

—Область партия комитети совхозимиз шоликорларининг ҳосилни йиғирма иш кунида йиғиштириб олиш юзасидан белгиладан тадбирларини маъқуллади, —дейди совхоз директори Алихон Нормуродов. —Биз ҳозир ишни белгиладан тадбирлар асосида ташкил этганмиз. Комбайнлар тўхтовсиз ишлатилмоқда. Иккита кўчма устахона, бешта пайвандлаш агрегати, битта автокран, олтита бульдозер ҳамиша комбайнлар ишлатилаётган жойда. Ҳосилни йиғиштириб олишда иштирок этаётганлар учун барча шароитни яратиб берганмиз. Иссиқ овқат ташкил этилган. Комбайнчилар, тележкачилар ўртасида социалистик мусобақани дуруст йўлга қўйганмиз. Мусобақага ҳар беш кунда ёки ўн кунда эмас, балки ҳар куни ишнинг охирида якун ясаб, ғолибларни мақтаб ва маънавий рағбатлантирамиз. Айтайлик, комбайнчининг бир кунлик иш нормаси саккиз тонна шоли янчиш. Агар комбайнчи ўн тоннадан ортиқ шоли янчса, ўн сўм, йигирма тоннагача шоли янчса йигирма сўмдан пул ва вимпель билан мукофотланади. Тележкачилар ўртасида ҳам худди шу тарзда мусобақа ташкил этилган.

Социалистик мусобақанинг яхши йўлга қўйилганлиги ҳосилни тез ва соз ўриб олиш имконини беряпти. Мавсумда 450—500 тонна шоли янчиб бериш мажбуриятини олиб, меҳнат қилаётган комбайнчилар Жонқобил Аллаберднев, Бобоқул Олтиев, Равшан Қувонов, Бойбўри Саидов, Жумагелди Эралиев, Пиримқул Қувонов, Кенжа Раҳмонов, Турсоат Султоновлар ҳозирга қадар 250—350 тонна шолини бункердан тележкага ағдардилар. Ҳар куни мусобақада ғолиб чиқиб, вимпель ва пул мукофотини олаётганлар ҳам шулар. Тележкачилар ҳам бўш келаётганлари йўқ. Мамат Худойқулов, Турдиали Саидов, Қулмурод Алиқулов, Норқобил Худойшукуров, Урол Саодатовлар икки тележка билан ҳар куни хирмонга 15—20 тоннадан шоли ташимоқдалар.

Совхоз механизаторлари бу йил шоли ўрадиган янги «СКД—6Р» комбайнидан бештасини синовдан ўтказишяпти. Бир неча йилдан буён шоли ўриш комбайнини моҳирлик билан бошқараётган механизатор Шоймардон Жумаев янги техника ҳақида ўз фикрларини қуйидагича баён қилди:

—Янги комбайн ҳар жиҳатдан бизга ёқди, —дейди у.—Аввало, бошқариш жуда қулай, енгил. Меҳнат унумдорлиги юқори. Кабинасининг яхшилигини айтмайсизми? Чанг кирмайди. Шамол, совуқ таъсир этмайди. Мен ҳар кунн 24—26 тоннагача шолини бункердан тележкага тўкяпман.

Шоймардон Жумаев янги комбайн билан шоли ўра бошлади. Ҳақиқатан ҳам у жуда енгил ҳаракат қилмоқда. Тоза ўриляпти. Ҳосил қанчалик кўп бўлса ҳам, у шолини эзмасдан бункерга туширяпти. Комбайнларнинг юқори унум билан ишлаётганлиги учун ҳам совхоз ҳозир давлат омборига ҳар куни 300-350 тоннагача «қирмизи дон» топширмоқда. Ўтган йили «Правда» совхози билан «Искра» совхози бир хўжалик эди. Правдаликлар шоли ҳосилини ўришда ҳам, давлатга топширишда ҳам байроқдор бўлмоқдалар. Область партия комитетининг бюро аъзоси Қурбоной Қораҳонова бошлиқ йириклаштирилган бригада шоли ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан олиб боришяпти. Бригада аъзоларининг бу йилги мажбурияти 420 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 80 центнердан «қирмизи дон» етиштиришдир. Ҳозир етиштирилган ҳосилнинг қарийб ярми йиғиштириб олинди. Ҳосилнинг чўғи баланд. Бригаданинг Яраш Норқулов, Эгамберди Муҳаммадиев, Гулшод Турдиқулова бошлиқ звеноларида ҳозирнинг ўзида ҳар гектар майдондан 70—80 центнердан ҳосил олиниб, план ортиғи билан бажарилди. 2,3-механизациялашган бригадаларнинг Рўзи Абраев, Эшпўлат Умбаров, Равшан Қувонов звенолари, 1-бўлимдан Назар Абсоатов, Эшдавлат Худойқулов, 2-бўлимдан Берди Хушназаров, Меливой Тоғаев, Тўрақул Хўжамқулов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳозирнинг ўзида юксак социалистик мажбурият ҳисобига шоли топширмоқдалар.

«Искра» совхозида эса етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишда Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Саодат Элмуродова бошлиқ бригада аъзолари байроқдор бўлишяпти. Икки беш кунликдан буён уларнинг шарафига Қизил байроқ кўтарилянти. Пландаги 7020 тонна ўрнига 12,5 минг тонна шоли етиштиришга аҳд қилинган бу хўжаликда Саодат билан белланиб ишлаётган Шопўлат Худойбердиев бошлиқ 1-механизациялашган бригадада ҳам етиштирилган ҳосил тез ва соз йиғиштириб олиняпти. Бригада аъзолари янги ўзлаштирилган ерларда деҳқончилик қилишларига қарамасдан, 650 гектар майдондан 3900 тонна шоли йиғиштириб олишга аҳд қилганлар. Бригадада шу кеча-кундузда ўнта комбайн ишлатилмоқда. Комбайнчилар Эшпўлат Жабборов, Тошмамат Қулсоатов, Меливой Умбаровлар ўрим мавсумининг чинакам қаҳрамонлари бўлишяпти.

Азим Шодмонов бошлиқ 2-механизациялашган бригаданинг звено бошлиғи Турсунпўлат Маматқулов 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозирнинг ўзида 65 цент нердан ҳосил олиб, бошқаларга ибрат бўлмоқда. Звено бошлиғининг ўзи «СКД-6 Р» комбайнида шоли ўриб, ҳозиргача қарийб уч юз тонна шолини бункердан тележкага тўкди. Ғани Ғойипов, Михаил Гаврик каби комбайнчилар ҳам кунлик нормаларини 1,5—2 баробар бажаришяпти.

Катта асфальт йўлдан юрсангиз, ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам шоли ортилган автомашиналар, тележкаларнинг кети узилмаслигини кўрасиз. Бу шоли ортилган карвонлар Гагарин районидаги «Правда», «Искра», «Шоликор» совхозларидан олинган янги ҳосил. Район шоликорлари юбилей йилида 40 минг тонна «қирмизи дон» етиштириб, унинг 17,5 минг тоннасини давлатга топширишга аҳд қилганлар. Ҳозир ана шу юксак аҳдни бажаришда долзарб палла ҳисобланган шоли ҳосилини ўриб, йиғиб олиш ва давлатга топширишда шоликорлар бутун куч ва ғайратларини аямасдан меҳнат қилмоқдалар. Фақат далаларда эмас, балки шоли тўкилган хирмонларда ғайрат билан меҳнат қилиняпти. Даладан келтирилган ҳосил қуритилиб, тозаланиб, сўнгра давлатга топширилмоқда. Давлат шоликорлардан тоза, сифатли ҳосилни қабул қилиб олянти.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

СОВЛИҚЛАР СОҒЛОМ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

Республикамизда 1962 йилдан буён, давлат биопункти шохобчалари ташкил этилгандан ва СЖК тайёрлаш кўпайтирилгандан сўнг бу препаратдан кенг қўлланила бошланди. Қоракўл қўйларнинг наслдорлигини оширишни таъминлайдиган бу метод мамлакатда кенг жорий этилиши муносабати билан СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги 1968 йилда қоракўлчиликда СЖКни қўлланиш бўйича қоидаларни белгилаб берди. Мазкур қоидаларда қўрсатилишича, СЖКдан қўлланиш фақат ўртача семизликдан кам бўлмаган соғлом совлиқларга серўт яйлов, озуқа запаси ҳамда қўйларни қузилатиш учун бинога эга бўлган товар хўжаликлари ва фермаларда рухсат этилади. СЖК қўлланилган қўйларни серўт яйловларда боқиш, қишлов даврида ҳамда қузилатиш палласида совлиқларни етарли озуқа запаси билан таъминлаш лозим. Наслчилик заводларида, наслчилик совхозларида ва наслчилик фермаларида СЖКдан фойдаланиш таъқиқланади. Шунингдек, юқумли касаллик тарқалган хўжаликларда ҳам бу препаратдан фойдаланиш мумкин эмас. Қўйларга СЖК қўлланиш иши билан фақат махсус тайёргарликдан ўтган ветеринария ходимларига рухсат берилади.

Ана шу қоидаларнинг ҳамма-сига риоя қилиш қоракўлчилик хўжаликларида СЖКдан фойдаланган ҳолда ҳар 100 бош совлиқдан 125—130 тадан қузи олиш мақбул деб ҳисобланади.

Кейинги йилларда республикамизда қоракўл қўйларнинг 60 процентдан зиёдига СЖК билан меъёридан ортиқча нормада ишлов берилган, бу сермаҳсул совлиқларнинг нобуд бўлишига, нимкон ва хаста қузиларнинг туғилишига ҳамда кўплаб миқдорда майда қоракўл тери етиштиришга олиб келган. Кичик ҳажмдаги қоракўл тери олиш йилига 15 процентдан зиёдни ташкил этяпти. Бу мамлакатимиз енгил саноати талабларига жавоб бермайди.

Қоракўлчиликда СЖКдан пухта ўйламай фойдаланиш қўйларнинг туёқ сонини оширишга салбий таъсир этади. Бу айниқса, ем-хашак учун ноқулай келган йилларда сезилади. Бинобарин, 1982 йил иқлим шароити ва озуқа етиштириш учун ноқулай келди: бу йил баҳор кечикди, қуруқ келди, оқибатда яйловларда ўт-ўлан мўл бўлмади. Шу боисдан совлиқлар яхши семирмади, улардан туғилган қузилар, айниқса, эгиз қузилар секин ўсди.

Ёғи мавсумда ҳам аҳвол унча дуруст бўлгани йўқ, совлиқларнинг маълум қисми ориқлигича қолди, шунинг учун бу йилги шароитда СЖКдан қўлланиш масаласига ўта эҳтиёткорлик билан, оқилона ёндашиш керак. Бунинг учун барча қоракўлчилик хўжаликларида қўйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур.

Барча совлиқларни пухта кўздан кечириш, заиф ва хаста қўйларни алоҳида группага ажратиш, уларни қучайтирилган ва сифатли дағал озуқалар билан тўйдириш, мунтазам суғориб туриш керак.

Баъзи хўжаликларнинг раҳбар ва мутахассислари СЖК кетма-кет қўлланилгандан сўнг совлиқлар бунга ўрганиб қолади ва шунинг учун препарат дозасини йилдан-йилга ошириб бориш керак, деган нотўғри фикрга эгадирлар. Совлиқларга кетма-кет препарат қўлланиладиган бўлса, бунинг оқибати яхшиликка олиб бормайди.

Сунъий қочириш тугалланганда сўнг ва сунъий қочириш пункти ёпилгач, совлиқларни тўла қочириш учун отарларга бақувват ва соғлом қўчқорлар қўйилади. Бу даврда одатда қўйларни ўта тўйдириш тўхтатилади.

Бу йилги шароитда СЖКдан фойдаланишни фронтал методда ўтказиш тавсия этилмайди. Чунки ориқ совлиқларга зардоб салбий таъсир этиб, қўйлар организмига зарар етказиши мумкин. Тажрибанинг кўрсатишича, ноқулай келган йилларда СЖК қўлланилган отарларда бошқа йиллардагига қараганда чиқим кўп бўлган. Ҳаво яхши келган қунлари совлиқларни отардан ташқарида яйратиб боқиш керак, фақат ёғингарчилик бўлиб, қучли шамол турган пайтда қўйларни тозаланган ва дизенфекция қилинган кошарларга ҳайдаш мумкин. Акс ҳолда совлиқлар совуқ еб, шамоллаб қолади.

Келгуси йилда яйловларда боқилажак қўй-қузиларни қўпайтириш, отарлар маҳсудорлигини ошириш, пировард натижада қоракўлчиликдан олинадиган даромадга барака киритиш учун замин шу кунларда қўйилади. Совлиқларни қочириш даврини чўпонлар катта ишнинг бошланишига қиёс қилишади. Шунинг учун ана шу муҳим кампанияни ҳар жиҳатдан муваффақиятли ўтказиш — қоракўлчилик хўжаликлари раҳбар ва мутахассисларининг биринчи галдаги бурчларидир. Қочириш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш ва қўйларни қишловдан тўқ ҳамда семиз олиб чиқиш СССРнинг Озиқ-овқат программасида қўйилган талабларни бажаришни таъминлашда муҳим омилдир.

Н. ЗУЛПИТДИНОВ,
«Узглавкаракулъпром» бирлашмаси бошлиғи.
А. НИКОЛЬСКИЙ,
Бирлашманинг бош ветеринария врачи.

Мутахассис маслаҳати

Даволаш ишларини яхшилаш, касал ва ориқ қўйларни отардан ажратиб, бўрдоқига боқиш ва гўштга топшириш лозим.

Хўжаликларга етарли миқдорда медикаментлар, витамин ва биологик препаратлар, дизенфекция воситалари келтириш муҳимдир.

СЖКдан қўлланиш ҳажмини чегаралаш керак, мавжуд совлиқларга СЖК қўлланиш 20 процентдан ошмаслиги керак. Бунда соғлом ва семиз қўйларга СЖК билан ишлов бериш кераклигини ҳисобга олиш даркор. СЖК дозаси бир килограмм тирик вазнга 25 микробирликдан ошмаган ҳисобда 1000—1200 микробирликдан кўпаймаслиги керак. Айрим жойларда қўйлардан кўп қўзи олиш учун бу кўрсаткични 1800—2000 микробирликка етказадилар. Бу нотўғридир. Қоидани бузганлар қатъий жазоланишлари керак.

СЖК қўлланилган кунинг эртасига совлиқ сунъий қочирилади, бу тадбир икки марта (эрталаб ва кечқурун) ўтказилиши керак. СЖКнинг қўлланилиши ва қўйларни қочиришга қараб алоҳида отарлар тузилади.

Самарқанд районидаги «Олмазор» совхози соҳибкорлари юбилей йилида мевадан мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Соҳибкорлар давлатга пландагидан 4500 тоннадан знёд мева топширишга аҳд қиляпти. Мева теришда совхознинг пешқадам ишчиси Тожихол Турдиева кунлик иш нормасини ошириб бажариб, дугоналарига ибрат бўляпти.

СУРАТДА: Тожихол Турдиева терган олмаларини жўнатишга ҳозирламоқда.

Р. ҒАФУРОВ фотоси. (ЎзТАГ).

САХОВАТЛИ КАНОП ДАЛАЛАРИ

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз меҳнаткашлари канап ўрнимни бултургидан қарийб бир ҳафта илгари тугатдилар. 700 гектар канопзорнинг ҳар гектаридан 220 центнер қиммати хом ашё олинди. Планга кўра эса 182 центнер ҳосил олиш кўзда тутилганди. Шундай қилиб СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига зиммага олинган социалистик мажбурият бажарилди ва бутун ҳосил биринчи сортларга топширилди.

Эркин Каримов бригадаси колхозда канап ҳосилдорлиги жиҳатидан энг яхши натижага эришди — 52 гектар ернинг ҳар гектаридан 278 центнер канопоя олди. Юсуп Султонов ва Шоҳмардон Қўканов бригадаларида ҳам гектар самараси юқори бўлди.

(ЎзТАГ мухбири).

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ПБИП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

ВАРШАВА. (ТАСС). Бу ерда Польша Бирлашган ишчи Партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда ПХР сейми сессияси муҳокамасига киритилган касаба союзлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

ПАП агентлигининг хабар қилишича, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси тўғрисидаги ахборотда бундай дейилади: ПХР сейми тасдиқига тақдим этилган касаба союзлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси 1981 йилда касаба союзлари билан келишиб олинган қоидаларга асосланган бўлиб, 1949 йилги қонунга нисбатан сифат жиҳатдан янги, бирмунча мукаммал ҳал этилган. Янги қонун лойиҳасида мамлакатда шу йилнинг февралидан бошлаб ўтказилган муноза давомида меҳнаткашларнинг билдирган кўпдан-кўп талаблари ҳисобга олинган.

Лойиҳада эълон қилинган принциплар Польша ратификация қилган халқаро конвенцияларга мос бўлиб тушади. ПБИП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси сейм депутатлари — ПБИП аъзолари зиммасига муҳокама қилиш давомида ва ПХР сеймида овоз бериш вақтида қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаш мажбуриятини юклади.

ПБИП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ПБИП IX фавқулодда съезди қарорлари қандай бажарилаётганлигини ҳам кўриб чиқди.

ПБИП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ПБИП Марказий Комитети 10-пленумига тайёргарлик соҳасидаги иш натижалари билан танишди. Бу пленум ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг ва халқ хўжалигини 1983—1985 йилларда ривожлантиришнинг муҳим проблемаларини ҳал этишда партия инстанциялари ва ташкилотларининг ролини муҳокама қилишга бағишланади.

ИНСОНИЯТ ТАҚДИРИ УЧУН ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Совет-Вьетнам музокаралари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР Давлат Кенгашининг Раиси Чионг Тинь Кремлдаги знёфат вақтида сўзлаган нутқлар жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Чет эл оммавий ахборот воситалари Совет Иттифоқи билан ВСР инсоннят тақдири учун юксак масъулиятни намойиш этганликларини, империализм, даставвал Америка агрессив кучларининг кирдикорларига қарши, кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасининг олдини олиш, тинчликни мустаҳкамлаш учун қатъий фикр билдирганликларини таъкидламоқда.

ВСР матбуоти Совет—Вьетнам музокараларига катта эътибор бермоқда. Ханойда чиқадиган **«Нян зан»** ва **«Нуан доі нян зан»** газеталари ана шу музокаралар тўғрисидаги хабарларни биринчи саҳифаларида эълон қилди. Вьетнамнинг ВИА ахборот агентлиги Л. И. Брежнев ва Чионг Тинь нутқларининг тўла текстини хабар қилди. Москвадаги дўстона суҳбатларнинг якунлари — Совет-Вьетнам муносабатларини ривожлантиришга қўшилган янги конкрет ҳисса бўлиб, шу муносабатлар олдида кенг истиқболлар очилмоқда, деб таъкидлайди агентлик.

Халқаро масалаларни кўриб чиқиш чоғида, деб уқтиради **«Нойес дойчланд»** (ГДР) газетаси, АҚШнинг империалистик снёсати натижасида кучайиб кетган уруш хавфини бартараф этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлиги таъкидланди. СССР билан ВСР ўртасидаги музокаралар иккала мамлакатнинг фикрлари ва мақсадлари муштараклигини тасдиқлади.

Совет Иттифоқи ер юзида тинчликни таъминлашга қаратилган ўз ташқи сиёсатининг тинчликсевар характерини яна зўр куч билан таъкидлади, деб хабар қилади **Афганистон миллий радиоси ва телевиденнеси.** Совет Иттифоқи Осиё халқларига мустаҳкам тинчликни астойдил истамоқда.

Л. И. Брежнев ядровий қуролланиш пойгаси яна мислсиз кўламларда авж олиб кетганлиги ва Рейган маъмурияти социализмга қарши эълон қилган «салб юриши» сабабли дунёдаги вазият хатарли равишда кескинлашганлигини уқтириб туриб, АҚШни кескин танқид қилди, деб таъкидлайди Американинг **Ассошиэйтед пресс** агентлиги.

Сурия**нинг Сана** агентлиги СССР билан ВСР Исроилнинг Ливандаги вахшиёна агрессиясини қатъий қораланганликларини таъкидлайди. Совет Иттифоқи билан Вьетнам Исроил босқинчиларининг бутун дунёда қораланган жиноятлари учун жавобгарликни Вашингтон зиммасига тўла даражада юклади.

Японияда чиқадиган **«Асахи»** газетаси Совет Иттифоқи ва Вьетнамнинг Хитой билан муносабатларни нормаллаштириш борасидаги тадбирлари умуман Осиёдаги вазиятга катта таъсир ўтказади, деган фикрни билдиради. СССР билан ВСР халқаро кескинлик юмшатилишидан астойдил манфаатдордирлар.

(ТАСС).

ҚАҲР-ҒАЗАБ БИЛАН ҚОРАЛАМОҚДАЛАР

САНО. Яман Араб Республикаси Президенти А. А. Солиҳ ЯАР қуролли кучлари олий командирлари составининг йиғилишида нутқ сўзлаб, Ливанда уч ой давом этган хунрезлик, шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон этилганлиги, мамлакат экономикасига етказилган ғоят катта зарар сионистларнинг ва уларга ҳомийлик қилаётган Америка империализмининг иши эканлигини айтди.

У босқинчилар ғарбий Байрутнинг қуролсиз аҳолисидан вахшиёна ўч олганликларини ғазаб билан қоралаб, бунда АҚШнинг ҳар томонлама мадади бўлмаганида Исроил фаластинлик ва ливанлик халқларга нисбатан жабр-зулм сиёсатини ўтказа олмаган бўлур эди, деб таъкидлади.

КИТО. Эквадор парламенти вакиллар палатаси Исроил ҳарбийларининг Ливанда қилаётган қонли жиноятларини қоралади. Депутатлар махсус қабул қилинган резолюцияда Ливандаги фаластинлик қочоқлардан оммавий равишда ўч олинганлигини қатъий қораладилар.

КУВАЙТ. Кейинги вақтларда фожиали воқеалар майдони бўлиб қолган Яқин Шарқда мустаҳкам тинчликни таъминлашга қаратилган куч-ғайратларни активлаштириш зарур, деди Қувайт бош министри Шайх Саъд Ас-Сабоҳ. У мамлакат миллат мажлиси (парламенти) сессиясида сўзга чиқиб шуни таъкидладики, Исроил фаластин ва ливан халқларига қарши қилган қонли жиноятлар Исроил босқинчиларининг агрессив, фашистларга хос моҳиятини бутун дунёда намойиш этди. Исроил босқинчиларининг шум ниятлари араб халқлари учунгина эмас, шу билан бирга бутун инсоннят учун ҳам хавф солмоқда. Шайх Саъд Ас-Сабоҳ араб мамлакатлари раҳбарларининг яқинда Фасда олий даражада бўлиб ўтган кенгашига ва унда қабул қилинган резолюцияларга юксак баҳо берди. У араб давлатларининг бошлиқлари ўз олдиларида турган муаммоларни конструктив равишда ҳал этишга интилганликлари мана шу муҳим анжуманга хос хусусият бўлганлигини таъкидлади. (ТАСС).

КИТОБ ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

ФРАНКФУРТ — МАЙН (ТАСС мухбири). Германия Демократик Республикасининг мана шу йирик саноат ва маданий марказида анъанавий халқаро китоб ярмаркаси очилди. Ярмаркада 88 мамлакатдаги 5600 дан ортиқ нашриёт ва китоб савдоси фирмалари ўз маҳсулотини намойиш қилади.

Бутуниттифоқ «Международная книга» бирлашмаси экспозицияга СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган 2500 дан ортиқ экспонатни тақдим этди.

Совет Иттифоқи Франкфуртдаги китоб ярмаркасида 29-марта иштирок этмоқда. «Политиздат», «Прогресс», «Художественная литература», «Наука» нашриётлари ва мамлакатимиздаги бошқа марказий нашриётлар, шунингдек, бир қанча республикаларнинг нашриётлари ярмарка томошабинларини ижтимоий—сиёсий, бадиий ва илмий адабиётлар билан таништиради. Китобларнинг анча қисми немис тилида нашр этилган.

Совет экспозицияси марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг китоблари билан очилади.

«СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги олдидан», «СССРда давлат ва миллатлар» деган китоблар ва бошқа нўприна янги китоблар КПСС ва Совет давлатининг миллий сиёсати тўғрисида, совет халқларининг қардошлик оиласи ҳақида ҳикоя қилади.

Франфурт-Майндаги китоб ярмаркаси 11 октябрда тугайди.

Жанубий Африка Республикаси босқинчилари ўзлари босиб олган Ангола Халқ Республикасининг Кунен вилоятида аҳолини турли фожиаларга дучор қилмоқдалар. Босқинчилар бу ерда шаҳар ва посёлкаларни вайроналарга айлантириб, ерли халқни турли қийноқларга солмоқда ва ўлдирмоқда. Натижада жанубий анголаликлар босқинчиларнинг зулмидан қутилиш учун турли ерларга яширинишга мажбур бўлмоқдалар.

СУРАТДА: Жанубий Африка Республикаси вахшийлари Маталдаги болалар боғчасида тарбияланаётган шу мурғакларни ўз ота-оналаридан жудо қилдилар.

АДН-ТАСС фотоси.

„Қишлоқ ҳақиқати"га жавоб берадилар

«САБЗАВОТ ПЕШТАХТАСИГА ЙЎЛ...»

«Қишлоқ ҳақиқати» ва «Тошкент оқшоми» газеталарининг юқоридаги сарлавҳали рейд материалида (4 сентябрь) шаҳар атрофидаги хўжаликлар сабзавот экиларини босқичма қилиб экишга тўла ўтмаганликлари, полиз маҳсулотларининг ассортименти камлиги кўрсатилган эди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ПЛАН КОМИТЕТИ:

Ўзбекистон ССР Давлат план комитети «Сабзавот пештахтасига йўл...» сарлавҳали рейд материални кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий ва социал тараққиёт беш йиллик ва йиллик давлат планларида ҳамда республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш планларида полиз маҳсулотларининг барча турларини етиштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини, жумладан қовун етиштириш ҳамда тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш ҳам кўзда тутилган.

Бундан ташқари, савдо тармоқлари, умумий овқатланиш, қайта ишлайдиган саноат корхоналари ва Бутуниттифоқ фонди эҳтиёжларини ҳисобга олиб колхоз ва совхозларга етиштирилган маҳсулотлар топшириш учун календарь муддатлари белгиланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига биноан Иттифоқимиз шаҳарларига юборилдиган картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум, асал, қуруқ мева ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ассортименти етилиш муддатларига қараб савдо тармоқларига етказиб бериш кўзда тутилган.

Б. ПИСКУНОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосари.

Мард майдонда синалади

«ҚИЗИЛ ДУРРАЧА» МУСОБАҚАСИ

Юбилей йилини зафарлар йилига айлантириш, мардона меҳнатимиз, қалб қўримиз, қайноқ пешона теримиз эвазига етиштирилган мўл «оқ олтин»ни тез ва сифатли йиғиштириб олиб, план ва социалистик мажбуриятларни ошириб бажариш — пахтакорларнинг жанговар шиорига айланган.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқида пахта сифатини ошириш асосий вазифа қилиб қўйилди. Бу, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, бригадирлар, «зангори кема» капитанлари билан бир қаторда биз — теримчилардан ҳам мавсум масъулиятини чуқур ҳис қилиб, иш вақтидан самарали фойдаланган ҳолда унумли ва сифатли ишлашни талаб этади.

Шу кунларда 50 центнер учун курашилаётган колхозимиз пахтазорларида 1600 дан ортиқ кўпмингкилограммчи теримчилар жавлон уриб, зиммага олинган социалистик мажбуриятни Улуғ Октябрь байрамига бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Теримнинг дастлабки кунлариданоқ социалистик мусобақа кенг қулоч ёйдирилганлиги, терим соатлик график асосида ташкил этилганлиги туфайли суръатга-суръат қўшиляпти. Кунига хирмонга 150—160 килограммдан аъло сортли «оқ олтин» тўкаётган Ҳадичахон Мардонова, Гулнора Жалолова, Мунира Усмонова, Озода Аҳмедова, Мавқудахон Акбарова, Мақсуда Тўхтабоева сингари пахтазор юлдузлари мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Уларнинг ҳар бири юбилей йили мавсумида 15—16 тоннадан дурдона теришга бел боғлашган.

Бригадамизда ҳар куни йиллик планнинг 4—5 процента миқдорида пахта териб топшириляпти. Бу — кўпмингкилограммчилар ҳаракати авж олдирилганлиги, терим соатлик график асосида олиб борилиб, мусобақа натижалари ҳар беш кунда якунланаётганлиги ва голиблар рағбатлантириб борилаётганлиги самарасидир.

Уч беш кунликдан буён бошимда қизил дуррача — голиблик белгиси ҳилпираб турибди. Колхоз правлениеси, партия ва комсомол ташкилотлари теримни қисқа муддатда, сифатли ўтказиш, мусобақанинг ошкоралигини таъминлаш мақсадида илғор теримчиларга ана шундай қизил дуррачалар таъсис этганлар. Теримнинг дастлабки кунларида 180—200 килограммдан дурдона терган бўлсам, айни кунларда хирмонга 150—180 килограммга етказиб «оқ олтин» тўкяпман.

Ҳар тонгни меҳнат қучоғи — пахтазорда қарши оламан. Иш вақтининг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишга ва шу асосда бугун кечагидан кўп ва сифатли пахта теришга ҳаракат қиламан. Ҳозиргача эл хирмонига тўккан дурдонам ўн тоннадан ошиб кетди. Мақсадим — мавсум охиригача 18 тонна пахта териш. Бу —СССРнинг шонли 60 йиллик юбилейига менинг шахсий армуғоним бўлади.

М. РЎЗИМАТОВА,
Киров районидаги «Москва» колхозининг теримчиси.

Ўқтин-ўқтин ёғиб турган ёмғир йиғим-теримда қатнашаётганлар ишини бир мунча қийинлаштириб қўйди. Табиатнинг бундай ўжарликларига ўз иродаларини қарши қўйиб, жасорат кўрсатаётган заршунослар пахтазорларда суръатни бўшаштирмасликка ҳаракат қиляптилар. Ҳашарчилар ҳам улар билан елкама-елка туриб, жавлон уришмоқда. Жиззах педагогика билим юртининг ҳиммати баланд талабалари шу кунларда Октябрь районидаги Ф. Хўжаев номли совхоз мардимайдонларига яқиндан кўмаклашмоқдалар.

СУРАТДА: илғор теримчи студентлардан М. Алмаматова, (чапдан ўнгга), Г. Қўчқорова ва С. Қурбоновалар.

А. ТУРАЕВ фотоси.

ҲАР ДАҚИҚА ҲИСОБДА

Биз тушган машина асфальт йўлдан елдек учиб боряпти. Йўлнинг икки томони пахтазор. Китоб районидаги «Шарқ юлдузи» совхози «Пахта штаби»да хўжалик директори Ери Очиловни учратдик. У совхоз активларига бугунги ишларни тушунтирарди. Директор билан совхозда пахта йиғим теримининг бориши тўғрисида суҳбатлашдик.

— Совхозимиз меҳнаткашлари юбилей йилида зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилганлар, — деди у. — Бу йил азамат пахтакорларимиз гектаридан 55 центнердан ҳосил етиштиришга қатъий қарор қилган эдилар. Пахтазорларда мажбуриятга яраша ҳосил тўпланган. Эндиликда бутун куч ва имкониятни йиғим-теримга сафарбар қилганмиз. Қўл кучи билан кунига 3 процентдан ошириб пахта терилмоқда. «Зангори кемалар» билан эса кунига 8-10 процентдан пахта тайёрлаяпмиз.

Ҳа, совхоз далаларида меҳнат симфонияси баланд янграмоқда. «Оқ олтин» ижодкорлари, ҳашарчилар ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлаб, кун сайин суръатга суръат қўшмоқдалар. Коммунист Уммат Таниев бошлиқ бригада деҳқонлари бу йил 60 гектар майдонда деҳқончилик қиляптилар. Улар 60 центнерлик марра учун курашмоқдалар. Бу ерда план бажарилган бўлса ҳам пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан бормоқда. Теримга сафарбар қилинган 52 теримчи қунлик графикни ошириб бажармоқда. Мавсумда 10—12 тоннадан «оқ олтин» йиғиштириб олишга сўз берган Жонгул Ҳудойназарова, Ойша Жонқубилова, Гулзожа Аҳороваларнинг кунига 150—160 килограммдан пахта териб, хирмонга барака киритмоқдалар.

Коммунист Холмурод Эшбоев бошлиқ бригада пахтакорлари ҳам ҳамкасбларидан орқада қолишмаяпти. Ҳолмурод ака 20 йилдан буён бригадага етакчилик қилади. Бригада азаматлари ҳар йили ҳам йиллик план ва мажбуриятларни ошириб бажариб келмоқдалар. Уларнинг бу йилги аҳдлари янада юксак. Миришкорлар 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил кўтаришмоқчи.

Хўжаликнинг Раҳмон Ҳамзаев, Неъмат Норов, Элмурод Дўстов, Карим Умаровлар бошлиқ бригадаларда ҳам пахта йиғим-терими намунали бормоқда. Совхозда истиқомат қилаётган қариялар яқинда яхши ташаббус билан чиқдилар. Улар пахта йиғим-теримида актив қатнашиб, «оқ олтин» хирмонининг юксалишига муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилишди. Зиёда Эрназарова, Ҳожал Носирова, Зиёда Тошева сингари ўнлаб онахонлар кунига 50—60 килограммдан ошириб пахта теришмоқда.

С. РУСТАМОВ.

ЭЪТИҚОД

НОВЕЛЛА

Алламаҳалда уйқуси қочган Қодиркул бува у ёнбошидан — бу ёнбошига ағдариларкан, белининг зирқираб оғриётганини, димоғига намхуш ҳаво урилганини сезди. «Оббо, ҳаво айниятти шекилли. Бўлмаса қўймучим хабардор қилмасди-ёв». Бува шу хаёлда ўрнидан туриб ўтирди-да, ташқарига қулоқ тутди:

Шитир-шитир, шитир-шитир. Емғир ёғаяпти.

«Бир ишни икки қиладиган бўлди-да, — қунглидан ўтказди бува. — Терим қисталанг ҳозирги пайтда бу балоям бормиди?!»

Кифтига тўнини ташлаб, ўрнидан турган Қодиркул бува оҳиста юриб, ташқарига чиқди-да, кўкка разм солди: Ҳавонинг авзойи бузуқ. Худди араздаб қолган ёш боладек ковогини уйиб, кўз ёши тўкяпти. Ҳали-вери «аразз»ни унутадиганга ўхшамайди...

Бувانинг кўз олдидан бригадир ўғли Омонжоннинг кеча оқшомги шод кайфияти, «Йиллик планни уддаладик, отажон! Яна бир зўр берсак, ҳосилнинг ҳаммасини неснобуд қилмай йиғиштириб олсак, мажбурият маррасини ҳам эгаллаймиз!» — дегани ўтди.

Бу кез ўғли пайкал бошида жиғибийрон, куйиб-пишиб, об-ҳаводан толиб тургандек, асабий ҳолда қўлларини мушт қилиб осмондаги пағапага булутларга ўқталаётгандек туюлди-ю, эти увишиб, юраги орқасига тортиб нетди.

«Иўқ, тош ёғсаям бирор толани нобуд қилмай йиғиштириб олиш керак. Пахта — ризқи-рўз. Меҳнат маҳсулини, элнинг ризқи-рўзини ерда қолдириш — нонкўрликку!»...

Қодиркул бува ана шундай ўй-хаёллар оғушида кечани бедор ўтказди. Саҳарлаб ўғли билан келинини пахтазорга кузатди-да, белини қалин белбоғ билан ўради. Устидан тўнини кийиб, устма-уст иккита қийиқ боғлади-да, кўчага чиқди.

У пахтазорга — баҳоли қудрат пахта теришга отланган эди. Лекин қишлоқ йўлида тўкилган пахталарни кўриб, қалбида бошқача иштиёқ туғилди:

«Нон ҳам нон, унинг увоғи ҳам нон. Мана шу толаларни териб олсам ҳам ҳарнада!»

Ёмғир тиниб, ҳаво бир оз очилган бўлса-да, йўл бўйида сочилиб ётган дурдоналар юзида биллур томчилар жилоланар, гўё бува атлас қийиғига бебаҳо гавҳар, ёқутлари жамлаётгандек туюларди...

Мана, неча кундарки, қишлоқ йўлларида тўкилган толаларни териб, белига боғлик этагига солаётган нуроний отахонни учратаман. Бу — ўша Қодиркул бува бўладилар. Ёшлари саксондан ошган, соқоллари пахтадек оппоқ, чақноқ кўзларида ҳамон йигитларникидек ўт. олов.

Бувانинг миқти гавдасига боқиб, олий ҳимматига, ғайрат-шижоатига, эл хирмонига қўшаётган ҳиссасига дил-диллдан таҳсин ўқирканман, бува тераётган ўша олтин толаларда ўзбек деҳқоннинг онаерга, меҳнатга садоқатини, «оқ олтин»га чексиз эътиқодини, яратилажак тог-тог хирмонлар ғурурини, халқимнинг пахтасидек беғубор қалбидаги эзгу туйғуларини кўраман...

Умарали ҚУРБОНОВ.

САФАРБАРЛИК

ОТА ИБРАТИ

Энгельс номли колхозда биринчи учратган кишимиз колхоз партия комитетининг секретари Ҳафиз ака Мирзаев бўлди. Мақсадимизни айтишимиз билан партком секретари пахта йиғим-терининг суръати, бригадалар ўртасидаги социалистик мусобақанинг қун сайин авж олаётганлиги теримчиларга яратилган шароитлар, одамларнинг ғайрат-шижоатлари тўғрисида жўшиб ҳикоя қилиб беради, деб ўйлаган эдик. Секретарь ундай қилмади. Бизни тўғри Асака адири бағрида деҳқончилик қилаётган 70 ёшдан ошиб кетган Абдуқаҳҳор ота Холдоров бригадасига бошлади.

Тўғриси, аввалига 70 ёшдан ошган кипи пенсиясини олиб, дам олиб ётмайдими, деган хаёлга ҳам бордик. Йўл-йўлакай отани тасаввур қилишга уриниб кўрамиз: кўксини оппоқ соқол безаб турган, қадди бироз эгилган, қадамлари оғир нуроний кўз олдимизга келди. Табиий, Абдуқаҳҳор ота билан дала шийпонида бир-икки оғиз гаплашамизу ортимизга қайтамиз.

Қирда қад кўтарган қасрга ўхшаш дала шийпонида ҳеч ким йўқ. Партком секретари Ҳафиз ака қирдан шиддат билан тушиб келаётган кишига ишора қилди:

— Ҳўў, кўряпсизларми? Абдуқаҳҳор ота шу киши бўладилар.

— Иўғ-е 70 дан ошган киши шунақа юрадими?

— Ҳа, энди, келганда кўрасизлар-да, бўлмаса.

Дарҳақиқат, отанинг кўксини безаб турган оппоқ соқолини тўғри тасаввур қилибмиз, холос. Адл қомати, унга ярашиб турган қора сатин яктаги, белини ихчам қилиб турган оқ сурп чорсиси, оёғидаги кулранг брезент этиги отага янада улуғворлик, салобат бахш этган.

Асака адири бағрида ота етакчилигида 10 киши 40 гектар майдонда мўл пахта ҳосили етиштиришибди. Абдуқаҳҳор отанинг катта ўғли Ҳайитбой ҳам, сафдошлари — 60 ёшни қоралаб қолган Абдуманноп Халилов, Ҳакимжон Комиловлар ҳам отанинг ғайратига ҳавас қилишади:

— Эгат оралаб юрганида ортидан етолмай қоламиз, — дейишди улар.

Абдуқаҳҳор ота бундан саккиз йил муқаддам адир бағрига чиқиб бригадирлик қилганида шу ердан 30 тонна пахта олишган. Бу йил эса 180 тонналик хирмон учун курашишяпти.

— Мана сизнинг бригадангиз билан колхозингиз далалари оралиғида областимизнинг катта шаҳарларидан бири — Ленинск шаҳри ётибди. Сизни шунча жойга келиб деҳқончилик қилишга нима даъват этди? — қизиқиб сўраймиз.

— Ие, қизиқ экансизлар. Колхозимизда янги ўзлаштириладиган бир гектар ҳам ер йўқ. Пахтани эса кўпайтириш керак. Осмонга қараб ётганимиз билан пахта тушиб қолмайди-ку. Ҳаракат қилиш зарур. Мени бақувват қилган нарса шу ният, меҳнат, ҳаракат. Бусиз яшашим қийин. Мана, биз қариялар ғайрати билан колхозимиз хирмонига нақд 180 тонна пахта қўшилади.

Партком секретари бизни нима учун Абдуқаҳҳор ота ҳузурига бошлаганлигини энди тушундик. Колхозда яшаётган 70 ёшдан ошган Абдуқаҳҳор отада шунча ғайрат, шижоат, ният бору З. Йўлдошев, К. Олимов, М. Акбаров, О. Ҳўралиев, О. Мамажоновалар етакчилик қилаётган бригадаларда кунига 3,5—4 процентдан пахта тайёрланаётганлиги, Ҳ. Раимова, Т. Ҳамроқулова, Д. Даминова, М. Мамажонова сингари теримчиларнинг ҳар куни 200—250 килограммдан ошириб пахта теришаётганликлари одатий бир ҳол эканда. Ҳа, биргина Абдуқаҳҳор ота тимсолида асакаликларнинг сафарбар ҳолатини аниқ кўрдик. Бу сафарбарлик энг аввало бу юрт меҳнаткашларининг қалбларида мавж уриб, жўшиб турибди.

ФАРЗАНДЛАР ЖАСОРАТИ

«Ўзбекистон» колхози райондаги таянч хўжаликлардан бири саналади. Колхоз пахтакорлари биринчи ўн кунликда йиллик планнинг 23,07 проценти миқдорида пахта тайёрлаб, район хўжаликлари орасида карвонбошилик қилди ва район партия комитети, район ижроия комитети, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитети ва район комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлишди.

Байроқдор хўжаликка донгдор пахта устаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зокиржон ака Собиров етакчилик қилади. Зокиржон акани раислиқдан ҳам кўра кўпроқ шу хўжалик меҳнаткашларининг тиниб-тинчимас, ғамхўр мураббийси, меҳрибон отаси қиёфасида кўрдик. Зокиржон аканинг жарангдор овози, аниқ, дона-дона, салобатли сўзлари ҳаммани хушёрликка, чаққонликка умумсафарбарликка чорлаб турибди.

Раис бир лаҳзадаёқ колхоздаги 15 та бригаданинг бугунги терим суръати қандай бўлишини таҳлил қилиб чиқди. Қайси бригадага қўшимча транспорт, қайси бригадага ёрдамчи куч зарурлигини аниқлаб қисқа-қисқа топшириқлар берди. Бош бухгалтерни чақириб колхозчиларнинг ўн беш кунлик иш ҳақини тайёрлашни тайинлади. Илғор теримчиларни мукофотлаш масаласи билан қизиқди. Касаба союз ташкилотининг раисидан дала шийпонларида ташкил этилган маданий-маиший шароитни кўриб чиқишини илтимос қилди.

Раснинг вақти нечоғлик тиғизлигини ҳис этдик-да, уни суҳбатга тортмадик. Машинага ўтираркан, бизга юзланди:

— Маъзур тутасизлар. Суҳбатлаша олмадик. Ҳозирги кунда ишимиз шунақада. Ҳеч нарсани кечиктириб бўлмайди. Байроқни олиш кўп яхши нарса, лекин уни қайтариб топшириш азобим бор. Шу азобдан қутилмоқчимиз. Бу ўн кунликда ҳам байроқни сақлаб қоламиз.

Зокиржон ака шундай дедию, бир зумда ғойиб бўлди. Эҳтимол у район байроғини қўлга киритган И. Йўлдошев бошлиқ бригада пахтакорларини рағбатлантиришга шошилгандир. Эҳтимол колхоз бригадалари орасида иккинчи ўринда бораётган В. Юсупов бошлиқ бригада аъзоларига биринчи ўринга чиқиб олиш имкониятларини кўрсатиб бермоқчидир. Балки Э. Мирзараҳимов ва А. Раҳматуллаевлар бошқараётган бригадаларнинг ўзаро социалистик мусобақалари шартларининг бажарилишини ўрганиш учун йўл олгандир.

Колхоз пахтакорлари СССРнинг 60 йиллиги нишонланадиган юбилей йилида 950 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан қимматбаҳо хом ашё етказиб бериш учун қизғин кураш олиб боришяпти. 5 та бригада эса 40—50 центнерлик маррани қўлаган. Бутун куч ва имкониятлар мана шу олий мақсад сари йўналтирилганлиги жуда қувончлидир. Колхозданги мавжуд 1410 нафар кучнинг ҳаммаси теримга сафарбар қилинибди. Шунинг учун ҳам белгиланган график ортиғи билан адо этилмоқда.

Биз колхоз пахтазорларини айланар эканмиз, терим суръатига суръат қўшаётган чевар қизлар — З. Рустамова, Ҳ. Юнусова, З. Абдуллаева, Ш. Шаробиддинова, Қ. Қорабоева, О. Боҳидова, Н. Мамажонова, Г. Ҳайдарова, З. Мирзаева, М. Шокирова сингари кўпмингкилограммчилар номларини такрор-такрор тилга олишди. Булар «Ўзбекистон» колхозининг ўн минг килограммчилари. Ҳар бирлари кунига 200—250 килограммдан пахта теришиб, Асака хирмонини жадал юксалишига муносиб ҳисса қўшишяпти.

Зокиржон акани иккинчи марта Муҳаббатхон Олимова бошлиқ 1-бригада даласида учратдик, Раис аввалгидай шошиб турибди. У бригадирга меҳр билан боқиб сўрайди:

— Яна нима ёрдам керак, қизим?

— Бугун пахтамиз кўпайиб кетди. Қўшимча битта прицеп керак, — гапини қисқа қилади Муҳаббатхон.

— Бир соатдан кейин келади, — дейди раис ва қўшиб қўяди, — билиб қўйинглар, шу ўн бешта бригада менинг ўн беш фарзандим. Битта кўз, битта юрак билан қарайман ҳаммасига. Шунинг учун тортинма. Мен Валижоннинг бригадасига кетдим.

Зокиржон ака ўн беш фарзандидан ҳар куни икки марта хабар олмаса туролмайди. Биронтасининг нафас олиши ўзгарса ҳам сезади. Шуни айтади-да: отанинг кўнгли болада, деб. Мана шундай меҳрибон отанинг фарзандларидан биронтасини орқада қолишига ишонгинг келмайди.

ҚАҲРАМОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Областимизнинг қайси жойида қанча пахта, ҳосилдорлик ҳақида гап кетгудек бўлса, давра суҳбатига Ленин районидаги «Правда Востока» колхози ва унинг донгдор бригада бошлиқлари — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Қобилжон Мирзаев, Искандар Ёқубовларнинг номлари ўз-ўзидан кириб келаверади. Иккала бригада ҳам 50 центнерчилик ҳаракатининг ташаббускорларидан.

Қобилжон Мирзаев бошлиқ бригада пахтакорлари 158 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнерлик хирмон кўтариш йўлида фидокорона меҳнат қилишди. Бригадада мажбуриятни тўла қоплайдиган ҳосил яратилди.

— 6 тонна пахта бир процент ҳисобланади, — дейди Қобилжон ака Мирзаев. — Ҳар куни 18—20 тонна пахта терилятти ва терилган пахталар пешма-пеш қабул пунктларига топширилятти. Лекин бир нарсадан чўчиб турибмиз. Мусобақадош Искандар Ёқубов бригадаси пахтакорлари биздан ўзиб кетиши мумкин. Ҳозирча биз олдиндамиз. Биз ҳам ортда қолмаслининг чора-тадбирларини кўряпмиз.

Мусобақадошнинг имкониятларига тўғри баҳо бериш шунчалик бўлади-да. Бригадада пахта йиғим-терим кампанияси ниҳоятда уюшқоқлик, сафарбарлик билан олиб борилятти. 240 та кучнинг ҳаммаси теримга жалб этилган. Графикда белгиланган ўртача 70 килограмм ўрнига 85 килограммдан пахта теريляпти. Қумрихон Ортиқова, Каримахон Тўхтаева, Ултфатхон Яхшибоева, Меҳмоной Жабборовларнинг ҳар бирлари эса кунига 200 килограммга етказиб пахта теришяпти.

Кунлик суръатда энг юқори кўрсаткичга эришган теримчилар номига дала шийпонида байроқ кўтарилади. Ўн кунлик якунига кўра энг илғор теримчилар қимматбаҳо мукофот билан тақдирланяпти.

Терилган пахталарни ташиш, тайёрлов пунктларига етказиб беришда транспорт ҳайдовчиларининг мусобақаси айниқса, авж олиб кетган. Н. Чўнгбоев, О. Тоштемировлар ана шундай мусобақанинг ғолиби бўлишяпти. Улар ҳар куни қабул пунктларига 7—8 тоннадан қимматбаҳо хом ашёни етказиб беришаётир.

Бригадада биринчи теримда ҳар гектар майдондан кунига ҳосил 22—23 центнерданни ташкил этди. Иккинчи теримда эса 20 центнердан ҳосил олиниб йиллик план ортиғи билан адо этилади. Учинчи теримда эса гектаридан 8—10 центнердан ҳосил олиниб: 50 центнерлик марра эгалланади.

Искандар Ёқубов бригадаси пахтакорларининг режалари ҳам худди шундай. Ҳар икки қаҳрамон бошлиқ бригада заршунослари «Правда Востока» колхозининг 8,5 минг тонналик хирмонига салмоқли ҳисса қўшиш ниятида ўзаро социалистик мусобақани қун сайин авж олдиришяпти.

Колхозда ҳам куи сайин суръатга суръат қўшиляпти. Ҳозир бу колхоз район хўжаликлари орасида олдинги ўринларда бораётир. Теримда 3300 нафар куч иштирок этяпти. Терилаётган пахта ҳар бир теримчига ўртача 75 килограммдан тўғри келмоқда ва бу графикда белгиланганидан 5 килограмм кўпдир.

Қайси юртда пахлавонлар кўп бўлса, унинг даҳлсизлиги шу қадар кўпроқ таъминланади, қудрати мустаҳкамланади, шон-шавкати ортаборади. Шу кунларда Қ. Мирзаев, И. Ёқубов сингари қаҳрамонларнинг издошлари Ленин районида тобора кўпайиб бораётир. Демак, 50 центнерчилик ҳаракатининг сардорлари беллашаётган экан, улар ўз сафларини кенгайтираётган экан, асакаликларнинг сафарбарлиги зафарларга элтувчи ҳақиқий маъноларга сафарбарлик эканлигига ҳеч шубҳа йўқ!

* * *

Ҳа, Ленин райони пахтакорлари стартни жуда яхши олдилар. Улар етиштирилган ҳосилни тез, сифатли йиғиб олишда ибратли меҳнат қилишиб, область районларига карвонбошилик қилишмоқда. Шу кунларда районнинг ҳамма хўжаликларида ғолиблик байроғини яна ўз қўлларида сақлаб қолиш учун кураш авж олган. Барча куч ва имкониятлар районнинг 40 минг тоннаник хирмонини қисқа муддатларда бунёд этишга қаратилган.

Райондаги 165 та пахтачилик бригадалари дала шийпонларида теримда иштирок этаётганлар учун қулай шароитлар яратилган. Ҳар бир дала шийпонида сотувчисиз магазин, кутубхона, медицина бурчаги ишлаб турибди. Бундан ташқари район матлубот жамияти томонидан ташкил этилган кўчма магазинлар график асосида даларада бўлиб, теримчилар учун зарур бўлган озиқ-овқат, хўжалик ва саноат моллари, кийим-кечакларни етказиб бериб турибди.

Район партия комитетининг «Агитпоездя» ва саккизта хўжаликдаги «Агитмашина» бадиий ҳаваскорларнинг, лекторларнинг, сўз усталарининг чиқишларини ташкил этиб, жанговар сўз қудрати билан меҳнаткашларни пахта йиғим-теримига чорлаб келаётир.

Йиғим-теримда иштирок этаётганларнинг саломатликларини муҳофаза қилиш мақсадида 50 нафар врач, 165 та медицина ҳамшираси, 2 та кўчма амбулатория, 29 та фельдшерлик пунктлари бевосита теримчиларга медицина хизмати кўрсатаётир.

Қувонарлиси шундаки, райондаги 36 та 40 центнерчи, 14 та 50 центнерчи, 4 та 60 центнерчи бригадалари кун сайин суръатга суръат қўшишмоқда. Район партия комитетига бир қатор звенолардан йиллик планларини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортлари келяпти.

Асаканинг қайси хўжалигида бўлманг, бир туйғуни ҳис этасиз, қайси бир киши билан гаплашманг, бир шижоатни кўрасиз. Бу —умумсафарбарлик туйғуси ва шижоати. Бу сафарбарликдан ҳеч ким четда қолмаётир. Район меҳнаткашларига баланд овоз билан шундай дегимиз келади:

Азамат Асаканинг ўз
шавкати, шони бор,
Ҳамиша баланд тутган
қадрию қимматини.
Фахрланса арзийди бугун
ахир байроқдор,
Сусайтирмас ҳеч қачон
сафарбар ҳимматини!

Холдоржон ҚУРОНБОЕВ,
Абдуҳалил ҚОРАБОЕВ.

СУВОРИЙЛАР АҲДИ

Машина терими — иш унуми. Буни яхши билган Қамаши районидаги Ленин номли колхоз заршунослари машина теримига катта эътибор беришмоқда. Хўжаликда ялпи ҳосилнинг 85 проценти «зангори кема»лар ёрдамида териб олинади. Шу мақсадда 30 та пахта териш машинаси 3 группага бўлиниб ишлатилмоқда. Ҳозир хўжаликда ҳар куни пахта тайёрлаш йиллик планининг 3—3,5 процента миқдорида пахта топширилмоқда. Бунда Қаҳрамон Холмирзаев, Темур Бободўстов, Эшмамат Эгамбердиев, Йўлдош Эшболтаев каби «пўлат от» суворийларининг ҳиссаси катта бўлятти. Бу азаматларнинг ҳар бири мавсум охиригача 250 тоннадан пахта теришга қарор қилганлар.

У. ҚИЛИЧЕВ.

ЧЕВАР ТЕРИМЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Шеробод районидаги «Партия XXV съезди» совхозининг Шукур Раймназаров бошлиқ бригадасида «оқ олтин»ни йиғиб-териб олиш ҳар қачонгидан қизиб кетди. Бригаданинг Жумагул Норбоева, Жарқиной Раймназарова, Зиёда Мавлонова, Салима Мавлонова, Тиниқой Қувватова каби теримчилари илғорликни қўлга олдилар. Кунига 100—125 килограммдан ингичка толали пахта тераётган бу чеварларнинг ҳар бири ҳозирдаёқ 3—4 тонналик «оқ олтин» хирмонини барпо этдилар. Ҳар бир теримчининг аҳди мавсумда 8—10 тоннадан пахта теришдир.

М. ЖАЛИЛОВ.

ТАНТИ ДЕҲҚОНЛАР, ЯШАНГ!

Пахтазор қандай мусаффо, пахтазор кўркам бу кун,
Пахтазорда куз эмасдир, хўп сўлим кўклам бу кун,
Пахтазордек беқиёс бўстон жаҳонда кам бу кун,
Пахтазорга меҳрини тўккан талай одам бу кун,
Пахтазор ишқида ёнган дўсту ёронлар, яшанг!

Сочларин чамбар қилиб, олтин терар дилдоралар,
Зарнинг қадрини билиб, олтин терар дилдоралар,
Дам ғанимат, нитилиб олтин терар дилдоралар,
Меҳнати роҳат бўлиб, олтин терар дилдоралар,
Ҳамма дер: «Оташ юракли Сиз фидожонлар, яшанг!»

Мард эсанг, майдонга чиқ мардонавор от ўйнатиб,
Беллашур бу ерда қанча шохсувор от ўйнатиб,
Тез зафар қучсам деган, зўр аҳди бор от ўйнатиб,
Дилдаги олий ният тоғдай қарор от ўйнатиб,
Лаҳзада тоғлар яратган танти полвонлар, яшанг!

Пахтакормиз, пахтакорлик энг буюк унвонимиз,
Пахтадек покиза, дўстлар, донмо виждонимиз,
Пахтадан тинчлик, омонлик—соф эрур осмонимиз,
Маррага шаҳдам борар олтин тўла карвонимиз,
Эл дегай ҳосил тўйида: «Марди-майдонлар, яшанг!»

Усмон ЮСУПОВ.

— Ойимтилла, юринг пахта терганн!
—Ҳашарчилар келишдн-ку, дам олсак олибмиз-да.

А. Холиқов чизган расм.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали археологлари бир неча йиллардан бери Орол соҳилларида қазишма ишларини давом эттирмоқдалар. Кейинги йилларда улар Устюрт тупроқ қатламлари остидан аждодларимиз тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи ёдгорликларни топишга муяссар бўлдилар. Айни пайтда археологлар Орол соҳилларини ўрганишни давом эттирмоқдалар. Қазишма ишларининг тематикаси ранг-баранг: антик шаҳарларнинг қолдиғини қидириб топиш, тош асрига оид ёдгорликларни, қадимий ва ўрта аср кўчманчиларининг маданиятини ўрганиш, археологик топографик изланишларни давом эттиришдан иборат.

Олиб борилган изланишлар, қазилмалар ва топилган ёдгорликлар ҳозирги Қорақалпоғистон АССР территорияси қадимги Шарқ цивилизациясининг энг шимолий ўлкаси бўлганлигига олимларимизда ишонч ҳосил қилди.

СУРАТЛАРДА: 1. Рассом-таъмирловчи З. К. Гасанова ва кичик илмий ходим Н. Юсупов Устюртда топилган бюмларни қўздан кечиришяпти. 2. Катта илмий ходим Е. Бижанов қадимий сополни ўрганмоқда.

А. Вайнштейн фотоси.
(ЎзТАГ).

●СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ФУТБОЛ

ЯНА ТЎРТ МИНУТ ҚОЛГАНДА...

СССР чемпионатининг олий лигасида навбатдаги тур ўйинлари ўтказилди. Бу турда пешқадамлар сафида бораётган командалар ўз ҳисобларига яна иккитадан очко қўшишди.

Маълумки, «Пахтакор» футболчилари бундан олдинги турда Ереванда маҳаллий «Арарат» коллективи билан куч синашганди. Ушанда 1:0 ҳисобида олдинда бораётган пахтакорчилар учрашув тугашига тўрт минут қолганда ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юбориб, очко йўқотишган эди. Бу сафар «Пахтакор» Тбилисида олтин медалга даъвогарлик қилаётган командалардан бири — «Динамо» командасига қарши ўйнади. Танаффуздан сўнг биринчи бўлиб Жохадзе (59-минут) ҳисобни очди. 73-минутда Новиков ўрнига майдонга тушган Бондаренко майдон эгалари дарвозасига жавоб тўпини (82-минут) киритди. Лекин учрашув тугашига яна тўрт минут қолганда тошкентликлар ўз дарвозаларидан иккинчи тўпни қўйиб юборишди. Шундай қилиб, қизиқарли ўтган матч 2:1 ҳисобида грузин футболчилари фойдасига тугади.

Биринчилик пешқадами — Минскнинг «Динамо» коллективи ўз майдонида Днепропетровскнинг «Днепр» командасини қабул қилди. Учрашувни ташаббускорликда ўтказган динамочилар рақиблари дарвозасига жавобсиз икки кўп киритишди. Москвада эса энг қизиқарли учрашувлардан бири бўлди. Бу ерда «Динамо» ва «Спартак» командалари ўзаро куч синашдилар. Ўйинининг биринчи бўлимида спартанчи Швецов киритган икки тўпга динамочилар жавоб бера олишмади.

Бревандаги маҳаллий «Арарат» ва Олмаотанинг «Қайрат» коллективлари ўртасидаги ўйин ниҳоятда жанговар ўтди. Томошабинлар 90 минут давомида дарвозаларга киритилган 5 та тўпнинг гувоҳи бўлишди. Шулардан учтаси майдон эгалари, иккитаси эса меҳмонлар ҳисобига ёзилди.

Бошқа учрашувлар қуйидагича тугади: — «Черноморец» — (Одесса) — «Торпедо» (Кутаиси) — 0:1, «Зенит» (Ленинград) — «Металлист» (Харьков) — 1:0, «Динамо» (Киев) — «Нефтчи» (Боку) 4:0, «Торпедо» (Москва) — «Кубань» Краснодар) —3:1, ЦСКА (Москва) — «Шахтёр» (Донецк)—1:0.

ҲАР ТЎҒРИДА

БИР МОТОРЛИ САМОЛЕТДА

Канадалик икки нафар ёш йигитлар — Дон Мюир ва Андре Дейменлар ер шарини бир моторли самолётда учиб ўтишга уриниб кўришмоқда. Улар Монреалдан учиб Шэнон (Ирландия) томон йўналиш олдилар. Қариб денгизнда турган танкердаги радиостанция орқали улар учиш ташкилотчилари билан боғланиб туришибди ва ишлаб чиқилган графикни қариб 20 минут ортда қолдираётганликлари ҳақида хабар бердилар. Одатдан ташқари бу мусобақада канадаликлар етти кун, 13 соат, 13 минут ва 27 секундан иборат аввалги кўрсаткични ортда қолдиришга аҳд қилишган. Улар Қоҳира, Бомбей, Гонолулу ва Сан-Франциско шаҳарлари орқали учиб ўтишади.

ЗАМБАРАКЛАР КОЛЛЕКЦИОНЕРИ

Американинг Финикс шаҳрида истиқомат қилувчи Дэйл Сэндиж уйига кирган кишини қандайдир саросималик қамраб олади. Эшикдан кираверишда 1812 йилда тайёрланган артиллерия замбарагининг 227 килограммли тўпи турибди. Уйининг орқа айвонига қўшни иморатларга қаратиб учта тўпдан иборат батарея жойлаштирилган. Меҳмонхонани ўртача катталикдаги денгиз артиллерияси «безаб» турибди. Буларнинг эгаси билан қўшнилар ўртасида ҳеч қандай қуролли можаро бўлмаган. Фақатгина у эски артиллерия қурол-яроғларини тўплашга ишқибоз. Ҳозир унинг тўплаган «экспонатлари» 80 тадан ошиб кетди.

ОКЕАН ОРҚАЛИ ЭШКАКЛИ ҚАЙИҚДА

Инглиз Питер Берд ўзи якка ҳолда Тинч океанини эшкакли қайиқда кесиб ўтишга уриниб кўрмоқда. Сан-Францискодаги бўғоздан океанга чиқиб олган Берд ҳозир муваффақиятли сузиб боряпти. Унинг сўзлари бўйича Калифорниядан Австралия қирғоқларигача давом этадиган саёҳатга тўққиз ой вақт кетади.

11 минг километрдан знёд бу масофани сузиб ўтиш жараёнида Берднинг «Британия-3» қайиғи автоматик тарзда радиосигналларни бериб боради. Сан-Францискодаги унинг дўстлари у юборган радиосигналларни йўлдош орқали қабул қиладилар. Берд 1980 йилнинг октябрида биринчи марта Тинч океанни қайиқда кесиб ўтишга уриниб кўрганди. Бироқ Гавай ороллари ёнида унинг қайиғини сув ости қояларга мажақлаб юборган ва саёҳат ҳали бошланмай туриб тугаган эди. (ТАСС).

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА

11 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ипак мўйқалам». Мультфильм.
10.05 «Мен қўшиқ тўқийман». Телевизион бадиий фильм.
11.20 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
12.20 «Чашмалар». Музикали программа.
12.50 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Мамлакат телевидение студияларининг ҳужжатли фильмлари:
«Авлодимнинг оддий иш кунлари».
«Кабаднён тупроғи».
«Ороллдаги шаҳар».
16.25 «Оналар мактаби».
16.55 Татаристон АССР Давлат ашула ва рақс ансамбли ижро этади.
17.25 «Объектив».
17.55 «Стадион ҳамма учун».
18.25 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ерга садоқат». СССР Фанлар академияси Тарих институтининг директори, тарих фанлари доктори С. С. Хромовнинг кириш сўзи билан бошланади.
19.15 Футбол шарҳи.
19.45 «Партия планлари —халқ планлари». Белоруссия ва Литва енгил саноати ходимларининг мусобақаси. 1-кўрсатув.
20.15 Совет қўшиқларидан концерт.
20.45 «Йўл-йўлакай». Телевизион спектакль премьераси. Автор — Ю. Эдлис.
21.30 «Время».
22.05 «Пиренеялар ортида — Испания». Телевизион ҳужжатли фильм.
23.00 «Дунё воқеалари».
23.15 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг эстрада-симфоник куйлар оркестри ижро этади.

● МТ II

Профилактика муносабати билан душанба 11 октябрь куни Марказий телевиденининг II программасида кўрсатувлар намойиш қилинмайди.

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Болалар учун фильм. «Иришканинг кундалиги».
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Жонажон ўлка».
18.45 «Премьералар, учрашувлар, дебютлар» [рус.].
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 Ўзбекистон телевиденеси ва радиосининг ушғур ансамбли ижро этади.
20.30 «Ахборот».
20.50 Г. Отақулова, Ж. Раҳимов, К. Тиллабоев концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.25 «Энг сўнгги кун». Бадиий фильм.
24.00 Янгиликлар.

СЕШАНБА

12 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильмлар: «Апёнанинг жўжаси», «Қизча циркда».
10.10 Ю. Эдлис. «Йўл-йўлакай». Телевизион спектакль.
10.50 РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Спиваков чалади [скрипка].
11.50 Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида ҳужжатли фильмлар.
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Гигантнинг ёшлиги». Телевизион ҳужжатли фильм.
15.50 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади!» Тбилиси шаҳридаги З. Рухадзе номли енгил саноат корхоналари учун кадрлар тайёрловчи 36-ихтисослаштирилган ҳунар-техника билим юрти ҳақида.
16.20 «Людвиг ван Бетховен». 1-қисм.
17.10 «Инсон — ер хўжайини». Кўрсатувни «Известия» газетасининг шарҳловчиси А. З. Ивашенко олиб боради.
18.10 «Фиеста». Испанияда бўлиб ўтган халқ ижодиёти фестивали ҳақида.
18.35 «Шерча ва тошбақа қандай қилиб қўшиқ айтишди». Мультфильм.
18.45 «Фан оламида».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «ЯГОНА ОИЛАДА». ҚИРҒИЗИСТОН ССР. Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев сўзи.
«Қирғиз тонглари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
«Дўстлик энергияси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
Санъат усталарининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Нима! Қаерда! Қачон!» Телевизион викторина.
23.15 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Илмий-оммабоп фильм.
19.00 Жаҳон халқларининг ижоди. ГДРнинг музикали фольклори.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 Ёшлар командалари ўртасида Европа чемпионатининг саралаш матчи. СССР —Финляндия терма командалари. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун фильмлар: «Қўшиқ», «Қаҳрабочалар».
18.45 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида».
19.10 «Тошда ҳам қуёш акс этди». Ҳужжатли фильм премьераси [«Ўзбектелефильм»].
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз».
20.30 «Ахборот».
20.50 Матлуба Дадабоева ва Маҳбуба Ҳасанова концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Кино рассоми Э. Калантаров» [рус.].
23.10 Янгиликлар.

ЧОРШАНБА

13 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Эрта қайтган турналар». Бадиий фильм.
11.15 «Киносаёҳатчилар клуби».
12.15 «Қалбга яқин қўшиқлар».
13.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Дўстларимиз экрани». Социалистик мамлакатлар телевиденеларининг ҳужжатли фильмлари:
«Словакия — менинг Ватаним» [ЧССР].
«Шундай яшаяпмиз» [ЮСФР].
«Кумуш кўл» [БХР].
16.10 «Людвиг ван Бетховен». 2-қисм.
17.10 «Шахмат мактаби». Разрядлилар синфи.
17.40 «Горнчилар, қаердасиз!»
18.25 Я. Сибелиус. Скрипка ва оркестр ижроси учун концерт. П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс лауреати С. Чейс [АҚШ] ҳамда СССР Давлат академик симфоник оркестри ижро этади.
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Ҳужжатли фильмлар.
20.00 «Ватан манзаралари». Фильм-концерт.
20.15 «Ёзувчи ва замонавийлик». Ю. Бондарев.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича Европа чемпионларининг саралаш матчи. СССР — Финляндия терма командалари. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида [22.45] — «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Фан ва техника». Киножурнал.
19.00 «Спорт ҳафталиги».
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «1982 йил қўшиқлари».
21.30 «Время».
22.05 «Менинг ҳаётим». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Болалар учун фильм. «Юз ўртоқ».
12.30 Химия. Тузларининг гидролизи.
13.00 «Ўн уч терак кўчаси». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 «Комариль», «Уч ака-ука ва яшил аждаҳо». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Юлдузча».
19.00 «Озиқ-овқат программаси — халқ фаровонлигининг асоси» [рус.].
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 Ўзбекистон телевиденеиеси ва радиоси халқ чолғу оркестри ҳамда солистларининг Тошкент тўқимачилик комбинати меҳнаткашлари билан учрашуви (трансляция пайтида ёзиб олинган].
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевиденеиеси ва радиоси халқ чолғу оркестри ҳамда солистларининг Тошкент тўқимачилик комбинати меҳнаткашлари билан учрашуви [давоми].
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.25 «Олтинчи июль». Бадиий фильм.
23.45 Янгиликлар.

ПАЙШАНБА

14 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Горнчилар. қаердасиз!»
10.25 «Ҳаммаси учун жавобгар». Бадиий фильм.
11.50 «Ватаним қўшиқлари».
12.15 Ишлаб чиқариш гимнастикаси.
12.45 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши». Телевизион ҳужжатли фильмлар:
«Ютуқ технологияси».
«Шаҳарлик қишлоққа борарди».
«Жанабой Азаматовнинг саҳий сентябри».
16.20 Е. Сорокина ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Бахчиев чалади.
16.40 «Рус тили».
17.10 «Революциянинг дўстлари ва душманлари». Телевизион ҳужжатли фильм.
18.00 «Қувноқ стартлар».
18.45 «Миллионлар пенинча университети». «Тежамли экономика». Кўрсатувни СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси П. Г. Бунич олиб боради.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал.
20.00 «Жабрдийдалар». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «А. В. Нежданова уйида».
23.30 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Қурилиш графикдан чиқмайди». Илмий-оммабоп фильм.
9.35 ва 10.40 М. Ю. Лермонтов. «Савдогар Калашников ҳақида қўшиқ». 7-синф.
10.00 Илмий-оммабоп фильм.
10.10 ва 14.20 Испан тили.
11.05 Астрономия. Юлдузли осмон.
11.35 ва 12.35 И. С. Тургенев. «Оталар ва болалар». 9-синф.
12.05 П. И. Чайковский. «Йил фасллари».
13.05 Ўқитувчи экрани. География. 8-синф. Енгил саноат.
13.35 Эстетик тарбия. Санъат ва жамият. 2-кўрсатув.
14.50 «Мен чегарада хизмат қиламан». Бадиий фильм [субтитр билан].
16.15 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Хайрли кун». Телевизион ҳужжатли фильм.
19.20 «Поэзия» альманахи.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 В. Пьявко, Д. Мамонтов, Н. Панин, В. Ковтук, СССР халқ артисти И. Моисеев раҳбарлигидаги Давлат халқ рақс ансамбли, Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг РСФСР халқ артисти Н. Некрасов раҳбарлигидаги рус халқ чолғулари академик оркестри, М. Глинка номли Ленинград Давлат академик капелласи, Белоруссия СССР Давлат рақс ансамбли ва бошқалар иштирокида музикали программа.
21.20 «Мен ўқийман, биз ўқиймиз...» Ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Менинг ҳаётим». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Ўзбекистон ССР тарихи. Ўзбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида [рус.].
12.00 Болалар учун: «Фонарик», [такрорий].
12.30 Ўзбекистон ССР тарихи. Ўзбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида.
13.00 «Олтинчи июль». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Нурафшон ёз қўшиқлари». Болалар учун фильм-концерт [«Ўзбектелефильм»].
19.00 «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида».
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Адабий альманах».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Пахтакорлар, Сизлар учун». Ўзбек қўшиқларидан концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 Телевидение экранида биринчи марта. «Болали уй ижарага берилади». Кинокомедия.
23.55 «Бугун оламда нима гап». Халқаро аҳвол кундалиги.

ЖУМА

15 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Жабрдийдалар». Бадиий фильм.
11.10 Халқ куйлари.
11.25 «Ёшлар адреслари».
12.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Кузги этюдлар». Телевизион ҳужжатли фильм.
15.30 И. Ильф ва Е. Петров. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
16.25 «Оддий мўъжизалар».
16.55 «Усмирлар ижоди».
17.25 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
17.55 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Тилла бойчли туфли». 1-серия.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Рус музейи». 2-фильм.
20.05 «Дублёр». Бадиий фильм [БХР].
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Арарат». В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида [22.45] — «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Олтой этюдлари». Телевизион ҳужжатли фильм.
9.35 ва 10.35 А. С. Пушкин эртаклари. 4-синф.
10.05 ва 14.15 Инглиз тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Умумий биология. Эволюциянинг асосий йўналишлари.
11.35 ва 12.35 Тарих. 7-синф. Киев Руси.
12.05 Эстетик тарбия. Ишлаб чиқариш муҳитини ташкил этишда эстетик факторлар.
13.05 Ўқитувчи экрани. Н. В. Гоголь. «Тарас Бульба». 6-синф.
13.35 «Куз пайти». Илмий-оммабоп фильм.
13.50 «Монументал пропаганданинг ленинча плани». 1-кўрсатув.
14.45 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви.
15.30 «Улуғ Ватан уруши». Киноэпопея. 4-фильм. «Партизанлар: душман ортидаги уруш».
16.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Қирғизистонимни шарафлайман». Фильм-концерт премьераси.
19.30 «Киносаёҳатчилар клуби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сизни қизиқтирган адабиётлар».
21.30 «Время».
22.00 «Менинг ҳаётим». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Рус адабиёти. Пугачёв ва Гринёв. А. С. Пушкининг «Капитан қизи» повести асосида [рус.].
12.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
12.30 Жамиятшунослик. Ишлаб чиқариш усули жамият ҳаётининг моддий асосидир.
13.00 «Чиранчиқ қуёнча». И. Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театрининг спектакли [такрорий].
14.05 «Болали уй ижарага берилади». Кинокомедия.

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар.
18.45 «Ахборот» [рус.].
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Черноморец» [Одесса]. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғ. Ёқубов концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Хирмонингизга барака».
22.15 «Ёввойи асал». Бадиий фильм.
23.55 Янгиликлар.

ШАНБА

16 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестрининг концерти.
10.20 «АБВГДейка».
10.50 «Спортлото»нинг 42-тиражи.
11.00 «Ота-оналар, Сизлар учун».
11.30 «Жаҳон халқларининг ижоди».
12.00 «Советлар ва ҳаёт».
12.30 «Псков тупроғида музикали учрашувлар».
13.30 «Давр ва ўзим ҳақимда». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, шоир А. А. Сурков ижоди ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
14.30 «Духовой оркестр чалади». Телевизион кўрик-конкурс. Харьковдан олиб кўрсатилади.
14.50 «Рус музейи». 2-фильм.
15.25 «Дунё воқеалари».
15.40 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Киноилова: «Хотира ҳақида икки ҳикоя».
16.00 «Мен улкан одам бўлганимда». Бадиий фильм.
17.25 «Николай Метнер музикаси». Фильм-концерт премьераси.
18.30 «Ҳайвонот оламида».
19.30 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
20.00 «Экранда — кинокомедия». «Эгизаклар».
21.30 «Время».
22.05 Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари.
22.45 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Спартак». 2-ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади.
23.55 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.25 «Дублёр». Бадиий фильм [БХР].
10.45 «Тонгги почта» музикали программаси.
11.15 «Мен ўйнаб келаман». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
12.00 От спорти бўйича халқаро мусобақалар. «Пардубчанга стипль-чез». ЧССРдан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 «Сенга қўшиқ ҳадя этаман». Фильм-концерт [«Ўзбектелефильм»].
10.35 Шахмат мактаби.
11.05 «Ўзбектелефильм»: муаммолар ва изланишлар».
11.50 «Эртаклар тарк этган дара». Бадиий фильм.
13.10 «Инсон ва табиат» [рус.].
13.40 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун».

* * *

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Мультипанорама». Болалар учун кинокўрсатув.
19.00 «Қувноқлар даврасида».
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Ноз-неъмат бунёдкори».
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо!» Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда— Бухоро области.
21.30 Москва. «Время».
22.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо!». Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Бухоро области [давоми]. Кўрсатув тугагач— Кўрсатувлар программаси.

ЯКШАНБА

17 ОКТЯБРЬ

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Коми АССР санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти.
10.25 «Будильник».
10.55 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.55 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси.
12.40 «Тонгги почта» музикали программаси.
13.10 «Қишлоқ янгиликлари».
14.10 «Музикали киоск».
14.40 «Ҳаётга йўлланма».
15.25 «Унинг исми Сухэ-Батор». Бадиий фильм. [«Монголкино», Тошкент киностудияси, «Ленфильм»].
16.45 «Киносаёҳатчилар клуби».
17.45 «Бугун — Озиқ-овқат саноати ходимлари куни». СССР Озиқ-овқат саноати министри В. П. Леин сўзи.
18.00 «Табрикларимизни қабул этинг». Озиқ-овқат саноати ходимлари кунига бағишланган музикали программа.
18.40 «Халқаро панорама».
19.25 Мультфильмлар: «Оқ бўталоқ», «Машиналар ҳақида эртаклар», «Хоманинг саргузашти», «Қувноқ карусель».
20.10 «Шаҳар қабул қилди». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 И. Андроников. «Большой зал ҳақида хотиралар». Фильм-концерт.
23.20 СССР Иттифоқи Давлат академик Большой театри балет артистларининг концерти.
24.00 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.20 Озиқ-овқат саноати ходимлари кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар:
«Ҳар кунги мўъжиза».
«Янги марраларга».
«Птичье молоко» фабрикаси».
10.15 «Бўғдойзорлар орасида». Бадиий фильм.
11.30 «Салют, пионерия!» Ленинград Пионерлар саройи болалар бадиий коллективларининг концерти.
12.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
13.30 «Ажойиб Куба». Кинокўрсатув.
14.10 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Тилла бойчли туфли». 1-серия.
15.30 «Яна бироз балет ҳақида». Ҳужжатли фильм.
16.30 «Биргалашиб қўшиқ куйлайлик, дўстлар!»
17.50 «У қўлга тушди». Мультфильм.
18.00 «Юрканинг тонглари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
19.00 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1971 йил».
20.00 «Муҳбирларимиз ҳикоя қиладилар». Шарҳ.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 СССР халқ артисти В. Норейка ҳамда рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерт.
21.30 «Время».
22.05 «Ҳаммаси акамга боғлиқ». Бадиий фильм.
23.15 Батутда сакраш бўйича СССР чемпионати. Ворошиловграддан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 Озиқ-овқат саноати ходимлари кунига. «Нон ёпиш — улуғ иш». Телефильм.
10.20 «Ижодий учрашувлар». Кўрсатувни шоир Э. Воҳидов олиб боради.
11.00 «Ёнартоғ хазинаси». Бадиий фильм.
12.05 «Қувноқ стартлар».
13.05 Спорт программаси. 1. Теннис бўйича СССР кубоги. 2. «Ўзбекистон спорти».
14.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор».
15.00 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Дўстлар». Мультфильм.
18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
18.50 «Бугун — Озиқ-овқат саноати ходимлари куни».
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.45 «Пойтахтимиз меҳмонлари». СССР халқ артисти Жўрабек Муродов концерти.
20.30 «Ахборот».
20.50 СССР халқ артисти Жўрабек Муродов концертининг давоми.
21.30 Москва. «Время».
22.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ягона оила». Кўрсатувда Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов иштирок этади. Қорақалпоғистон санъат усталари ва ижрочи ёшларининг концерти.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Р. 06602

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўрин босарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-33-81-42. 56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босма хонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. 1134.